Компост ва бошқа мелиорантлар қўлланилгандан сўнг тупроқда 0,25мм-10мм гача бўлган аграномик фойдали макроагрегатлар миқдорининг ўзгариши, % 1-жадвал

Тупроқ қатлами,см	Вариантлар						
	Назорат	Шўр ювилган	Ярим чириган ҳолдаги 25,0т гўнг	6,0 т бентонит лойқаси	12,0 т бентонит лойқаси	Қорамол гўнги ва бентонит асосида 21,0т компост	Қўй гўнги ва бентонит асосидаги 16,0 компост
0-10	55.31 55,29 55,33	56.32 56,30 56,34	58.14 58,11 58,17	55.58 55,60 55,56	56.45 56,46 56,43	59.76 59,77 59,75	58.81 58,80 58,82
10-20	53.11 53,10 53,12	55.76 55,72 55,80	57.60 57,58 57,62	54.72 54,70 54,74	54,83 54,83 54,82	58.69 58,70 58,68	57.58 57,60 57,57
20-30	53.25 53,27 53,23	54.22 54,25 54,20	56.59 56,61 56,56	53.91 53,90 53,92	52.46 52,44 52,47	60.03 60,05 60,02	55.34 55,33 55,35
30-40	51.03 51,06 51,00	52.16 52,13 52,19	53.45 53,41 53,48	50.41 50,39 50,43	48.96 48,97 48,95	53.39 53,40 53,38	52.47 52,46 52,49
40-50	45.88 45,85 45,90	47.56 47,52 47,59	47.31 47,33 47,29	47.97 47,98 47,97	46.67 46,69 46,65	49.33 49,35 49,32	48.05 48,07 48,04

Тадқиқотнинг мақсадига кўра ўртача шўрланган тақирсимон тупроқлар шароитида компост мелиорантларнинг зарарли тузлар ўзгаришига таъсири аниқланди. Жумладан Сурхондарё вилояти тупроқлари шўрланиш даражасига кўра ўртача шўрланган ерлар 47,6 минг/га, 17,0%, ни ташкил этади. Ер ресурслари тўғрисидаги Миллий ҳисобот, Қўзиев [3]. Тажрибанинг бошланғич даврда тупроқнинг 0-50см қатламида қуруқ қолдиқ 0,541 %, хлор иони 0,045 % ва 50-100 см да бу кўрсаткич 0,547-0,048 % ни ташкил этган бўлса, биринчи вариантда 4000-4500 м^3 сув сарфланиб шўр ювилганда қуруқ қолдиқ 0,473 %, хлор иони эса 0,034 % га тенг бўлди. Ноанъанавий органоминерал компост мелиорантларнинг энг мақбул таъсири 21,0 т/га қўлланилганда бўлиб, 0-50; 50-100 см тупроқ қатламида қуруқ қолиқ ва хлор иони 0,476-0,035 ва 0,501-0,036 % дн ошмади.. Бу эса шўр ювилган вариантга диярли яқин назоратга нисбатан эса қуруқ қолдиқ ва хлор иони 10,3-11,1 % га камайди. Олинган маълумотларга кўра, тупроқнинг ҳайдов қатламида тузларнинг тўпланиши барча вариантларда амал даври бошидан мавсум охирига қараб нисбатан ошиб бориши кузатилди. Вегетация давридаги мавсумий сувларнинг қисман бўлсада тупроқнинг ҳайдов қатламидаги тузларнинг ювилишига сабаб бўлганлиги, бироқ амал даври охирида сизот сувлари минераллашиши ва уларнинг капилляр кўтарилишининг интенсивлашиши натижасида тупроқнинг ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида оз бўлсада зарарли тузлар тўпланганлиги аниқланди.

Тажриба даласи тупроқ қатламларида тузлар миқдорининг мавсум охирида ўзгариши, %

2-жадвал

Вариант	Умумий шўрланиш ҳолати			
	0-50 см		50-100 см	
	Қуруқ қолдиқ	Cl	Қуруқ қолдиқ	Cl
Тадбир бошланишдан олдин (назорат)	0,541 0,544 0,539	0,045 0,043 0,044	0,547 0,548 0,546	0,048 0,047 0,049
Шўр ювилган	0,473 0,475 0,473	0,034 0,035 0,033	0,507 0,509 0,506	0,039 0,037 0,040
12,0т бентонит лойқаси қўлланган	0,501 0,503 0,499	0,037 0,035 0,038	0,512 0,514 0,510	0,039 0,037 0,040
16,0т компост қўлланилган (6,0 т бентонит лойқаси+10,0 тқўй гўнги асосидаги)	0,479 0,480 0,478	0,035 0,033 0,037	0,503 0,501 0,505	0,037 0,036 0,038
21,0 т/га компост-мелиорант қўлланилган (6,0т бентонит лойқаси+15,0т қорамол гўнги асосидаги)	0,476 0,475 0,477	0,035 0,033 0,037	0,501 0,503 0,499	0,036 0,034 0,037

Тажрибада 21,0 т/га компост мелиорантлар қўлланилган вариантда мавсум охирида ҳам тупроқ қатламларидаги зарарли тузларнинг тўпланиш миқдори назорат ва бошқа вариантларга нисбатан кам бўлганлиги кузатилди. Қўлланилган компост мелиорантлар сувда осон эрийдиган тузларнинг анион ва катионларини ўзида атсорбция қилиш (сингдириш) билан бирга қийин эрийдиган тузлар коагулацияга учраши оқибатида тупроқ қатламларида зарарли тузлар миқдори ва таъсирининг камайиши кузатилди. (2-жадвал)

Олиб борилган илмий-тадқиқот ишида мавсумда 15-20% гача камайтирилган минерал ўғитлар фонида қўлланилган органоминерал компост мелиорантлар ҳам мелиорант, ҳам қўшимча озиқа сифатида тупроқ унумдорлиги ва мелиоратив ҳолатининг яхшиланишига сабаб бўлганлиги аниқланди.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Мирзажонов Қ, Сатипов. "Ғўзадан мўл сифатли тола. уруғ етиштиришда баъзи бир зарурий факторлар ва муаммолар" //Ўзбекистон пахтачилигини ривожлантирш истиқболлари номли Республика илмий –амалий анжумани материаллари тўплами.Тошкент-2014.Б 89-94.
2. Белоусов М.А. Физиологические основы корневого питания хлопчатника. //Изд- во «Фан» Ташкент. 1975,стр. 157.
3. Қўзиев Р "Сурхондарё вилояти тупролқларининг ҳолати, унумдорлиги ва уни яхшилаш технологиялари"// Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва ошириш йўллари. Республика илмий-амалий анжумани маърузалари тўплами. Тошкент-2012. Б 3-11.
4. Хамидов.М, У.Жўраев, К.Хамраев Фитомелиорант ўсимликларнинг тупроқ шўр ювиш меъёрларига таъсири// Ж.Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги., № 2, -Тошкент. 2016. –Б. 39-40.
5. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари ЎзПИТИ (2007),
6. "Методика агрофизических исследований" СоюзНИХИ(1973)
7. Махсадов Х., Избосаров Б. Шўр ювиш меъёрлари ва суғориш усулларининг ғўзани ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири // Ўзбекистон пахтачилигини ривожлантирш истиқболлари номли Республика илмий –амалий анжумани материаллари тўплами. –Тошкент: Ўзбекистон, 2014. –Б 280-284.
8. Безбородов Г.А., Раимбердиев Ш.А., Мирхошимов Р., Умбетаев И. Использование минерализованных вод на орошение в условиях Голодной степи // Вестник сельскохозяйственной науки Казахстана. –Алматы, 2013; –С. 38-40.
9. Shirazi S.M., Wiwat S., Kazama H., Kuwano J., Shaaban M.G. Salinity effect on swelling characteristics of compacted bentonite // Environment Protection Engineering. –2011; №2. –P. 37.
10. H. Reguieg Yssaad, A, Ohibani and A.Rachir Bouyadjra. Effect of Salinity and Bentonite on Mineral Soil Characteristics Behavior Study of Leguminous Plant // Journal of Plant Science. 2012; №7 (1): –P. 1-12.
11. Қўзиев Р.К. Ўзбекистоннинг жанубий минтақаларида турли хил тупроқларида бентонитлардан файдаланиш // Ўзбекистондаги ноанъанавий агрорудаларни

ишлаб чиқариш ва улардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш муаммоларига бағишланган илмий амалий семинар маърузалари тезислари. –Тошкент: 2000. – Б. 8-9.

12. Ахатов А., Бўриев С. Суғориладиган шўрланган гидроморф тупроқларнинг кимёвий таркиби // Пахтачиликда долзарб масалалар ва уни ривожлантириш истиқболлари мавзусидаги илмий-амалий конференцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 137-140.
13. Тунгушова Д.А., Абдурахмонов С.О., Белоусов Е.М. Бентонит лойқасининг ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таьсири //Халқаро илмий амалий конференция. –Ташкент: Ўзбекистон, 2004. – Б. 156-159.

SCIENCECENTRUM.PL ISSUE 3(36) PART 3 ISBN 978-83-949403-4-8

Фазлиев Ж.
Докторант,
Каттаев Б., Сайлиханова М., Сатторов В.
студенты
Бухарского филиала ТИИИМСХ
(Бухара, Узбекистан)

ТЕХНОЛОГИЯ КАПЕЛЬНОГО ОРОШЕНИЯ САДОВ И ВИНОГРАДНИКОВ

Annotation: *The article describes the technology of drip irrigation at intensive gardens by up to 20-60% of the water consumption in the cultivated crops, up to 50 % of mineral fertilizers and fuel oils up to 30%, analyzed and implemented. In addition, the irrigation regime corresponds to the water requirement of the plant and there is no overflow of water, as well as the low water evaporation from the soil, and the water does not spread along the field; only the part of the field is moistened to the surrounding root, as the groundwater level does not rise.*
Key words*: irrigation, drip irrigation, irrigation methods, clay water, subsoil water, water resources, salinization, root, evaporation*

Практика показывает, что больше 85 % суммарного водопотребления в нашей Республике приходится на долю орошаемого земледелия. Общеизвестно, что сельское хозяйство играет ведущую роль в экономике страны, а обеспечение безопасности продуктов питания тесно связано с рациональным использованием водных ресурсов.

Для улучшения рационального использования водных ресурсов требуется комплексное переустройство орошаемых земель с применением новых достижений науки и техники в области гидротехники и мелиорации земледелия, разработка принципов совершенствования гидромелиоративных систем и создание современной, эффективной, водосберегающей и ресурсосберегающей системы орошаемого земледелия.

По применению водосберегающей технологии в 2013-2017 годы было запланировано фермерами и другими землепользователями республики система капельного орошения на 25 тыс. га, способ полива с применением плёнки на бороздах на 45,6 тыс. га, и на 34 тыс. га вместо временных оросителей использование переносных пластмассовых труб и это задача было выполнено.

Ограниченность водных ресурсов в нашей стране, быстрый рост населения и диверсификация экономики республики с года на год обязывает уменьшение долю сельского хозяйства в водных ресурсах. Особенно это обусловливается в сельском хозяйстве Бухарской области, где требуется разработка научно обоснованных методов управления водных и земельных ресурсов. Актуальность этой проблемы ещё раз подчеркивается принятием ряда законов, таких как закон Республики Узбекистана «О воде и водопользовании», Указ Президента Республики Узбекистана УП-1958 «О дальнейшем улучшении мелиоративного состояния орошаемых земель и мероприятиях рационального использования водных ресурсов в 2013-2017 годы» от 19 апреля 2013 года, Постановление Кабинета Министров «Об утверждении Устава водопользования и порядка водопотребления в Республике Узбекистан» от 19 марта 2013 года,Постановление кабинета Министров «Об утверждении Устава водопользования и порядка водопотребления в Республике Узбекистан» от 19 марта 2013 года, Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-3405 «О Государственной программе развития ирригации и улучшения мелиоративного состояния орошаемых земель в 2018-2019 годы» от 27 ноября 2017 года и многими другими законодательными актами.

Ни для кого не секрет, что в Бухарской области является дефицитом не только питьевая вода, но и поливная вода. В таких условиях является основной задачей перед фермерами и работниками водного хозяйства области сэкономить каждую каплю и рациональное использование поливной воды при орошении сельскохозяйственных культур, а также садов и виноградников. Капельное орошение является самым интенсивным и водосберегающим среди других способов орошения растений.

Капельным орошением называется внутрипочвенное орошение по трубам, расположенным на поверхности или под землёй, при котором вода в почву поступает постепенно и иногда непрерывно небольшими объемами.

При капельном орошении поливная вода по густо разветвленным трубопроводам через капельницы подаётся каплями непосредственно в корнеобитаемую зону растений. Капельное орошение позволяет на протяжений всей вегетации поддерживать влажность почвы близкой к оптимальной, без значительных колебаний, благодаря частным поливам малыми нормами.

Преимуществом этого способа орошения является:

- значительная экономия оросительной воды (по полученным данным на 50 % по сравнению с дождеванием, и в 2...3 раза по сравнению поверхностным поливом;)
- локальное уравнение почвы только в зоне размещения корневой системы, сухое междурядье позволяет беспрепятственно проводить механизированные работы;
- отсутствие необходимости планировки и возможность орошать склоны;
- отсутствие механических повреждений растений;
- возможность подачи вместе с оросительной водой удобрений и ядохимикатов;
- простота эксплуатации и ремонта;
- отсутствие необходимости в дренаже;
- предотвращаются процессы эрозии;

Одновременно капельное орошение имеет и некоторые недостатки, к числу которых можно отнести:

- засоряемость отверстий капельниц-микроводовыпусков твёрдыми примесями и отложениями солей;
- неравномерность распределения воды микроводовыпусками при значительных площадях системы;
- пластмассовые трубопроводы могут повреждаться грызунами;
- трудности поддержания постоянного напора у водовыпусков на крутых склонах;
- постепенное заселение на границе области увлажнения;

SCIENCECENTRUM.PL ISSUE 3(36) PART 3 ISBN 978-83-949403-4-8

- сравнительно высокое капиталовложение и др.[1; 2; 3]

Исходя из вышеперечисленных преимуществ,следует отметить, что с большими темпами развивается применение капельного орошения при выращивании также садов и виноградников. Учебно-научный центр Бухарского филиала ТИИИМСХ не является исключением. **Авиаторами на этой участке орошаемое поле площадью 3га и были проведены опытные эксперименты по исследованию технологии капельного орошения для интенсивных садов с применением неосветленной поливной воды. Посадка саженцев выполнена по схеме 3х2. Вода, забираемая из канала с помощью насосной установки, подавалась впрямую без осветления в систему. Здесь надо отметить, что раннее при капельном орошении использовалась поливная вода только через осветления с помощью фильтров, а здесь в нашем случае впервые была применена оросительная вода без осветления.**

По результатам эксперимента выявлена, что удалось сэкономить 40 % поливной воды, притом если при обычном способе орошения израсходовано 4200 м^3/га воды, а при капельном способе орошения этот показатель составил 2500 м^3/га, а расход минеральных удобрений сократился на 50 %.

Средний уровень грунтовых вод опытного участка в начале вегетации если составил 194-198 сантиметров, то в середине вегетации, то есть в июль и август месяцы уровень грунтовых вод колебался в пределах 185-187 см. Объёмный вес почвы на пахатном слое 0-30 см составил 1,31г/см^3, по пахатном слое (35см) составил 1,39 г/см^3, и в слое 0-100 см составил, 4 г/см^3.

На опытном участке наименьшая влагоёмкость (НВ) относительно массы почвы в слое 0-50 см составила 19,5 %, а в слое 0-100 см этот показатель составил 19,8 %. При капельном орошении водоподача была осуществлена в 10 раз с поливной нормой 240-260 м^3/га и с оросительной нормой 2500 м^3/га или на 1700 м^3/га меньше, чем при контрольном варианте.

Полученные данные по засолению почв опытного участка в пахатном слое(0-30 см) свидетельствует о том, что в начале вегетации ион хлора равен 0,25 % и в конце вегетации составил 0,014 % и соответственно в слое 0-100 см 0,021 % и 0,012%. В поэтапном слое если в начале вегетации сухой остаток составил 0,526%, то в конце вегетации он был равен 0,297 %, и в активном слое почвы соответственно составил 0,479 % и 0,282 %, а также коэффициент сезонного накопления солей в пахатном слое по иону хлору составил 1.79, по сухому остатку 1,77 и в слое 0-100 см соответственно был равен 1.76 и 1,70.

Согласно анализу результатов проведенных полевых и лабораторных опытов можно сделать следующие выводы: ссылаясь полученным результатам научных исследований в последние 3 года (2017-2020 годы) на опытном участке рекомендуется применение технологии капельного орошение соблюдением предполивную влажность почвы 70-80-60 % от НВ, притом поддерживать поливную норму в пределах 240-260 м^3/га и оросительную норму в пределах 2500 м^3/га. Диаметр магистрального и водораспределительных трубопроводов составляет 50 мм, а расход воды 5,0 л/сек, диаметр поливного трубопровода 20 мм и расход воды в нем будет равен 1,5 л/с. На каждом поливном трубопроводе установлены по 50 капельниц с расходом воды 0,03 л/с и расход воды на каждое дерево составляет столько же.

Для прочистки капельниц от заиления и засорения были проведены периодические промывки и подавался сжатый воздух с помощью компрессора. В третьем году исследований на опытном участке было зафиксировано лучшее развитие и рост насаждений фенологическим наблюдением, чем на других участках с таким же условием выращивания, но с другим способом орошения.

В заключении можно сказать, что рассматриваемый способ капельного орошения даёт возможность поддержания пахатного слоя почвы более рыхлом состоянии и не позволяет потери воды на фильтрацию и сбросы воды на орошаемом поле, обеспечивает равномерное увлажнение на землях с разными уклонами и при этом можно достичь интенсивного роста и развития растений с применением малых поливных норм.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan from February 7, 2017 President's Decree No 4947.
2. Methods of field experiments.Tashkent, 2007, 176 p.
3. Karimov G',. Fazliyev J "Automation of intensive garden seedlings' drip irrigation" Молодой учёный Journal № 10 (90) / 2015
4. Fazliyev J. "Drip irrigation technology in gardens" Интернаука. Science Journal № 7(11) April 2017
5. J. Fazliyev. "MODERN IRRIGATION METHODS FOR GARDENS " iScience № 22 2г. Pereyaslav - Khmelnitsky. Ukraine 2018, №22, 24-26 p.
6. J. Fazliyev. «TECHNOLOGY OF THE DRIP IRRIGATION USE IN GARDENS AND VINEYARDS» Путь науки The way of science international scientific journal № 11 (57), 2018
7. Fazliyev J. EFFICIENCY OF APPLYING THE WATER-SAVING IRRIGATION TECHNOLOGIES IN IRRIGATED FARMING «ИНТЕРНАУКА» Science Journal № 21(103) June 2019 г. Part 3

Шайманов Камол Кучкинович
катта ўқитувчи,
Улуғов Зоҳиддин Абдурахмон ўғли
IV-курс талабаси,
Абиров Жавохир Баходирович
III-курс талабаси
Тошкент давлат аграр университети
Термиз филиали
(Термез, Узбекистан)

КУЧСИЗ ЎСУВЧИ КЛОН ПАЙВАНДТАГЛАРИДАГИ ДАРАХТЛАРНИНГ ЎСИШ КУЧИНИ ЧЕКЛОВЧИ ОМИЛЛАР

Аннотация. *Кучсиз ўсувчи пайвандтаглардаги боғларни кенг қўллаш истиқболли эканлигини ҳисобга олган ҳолда, уларда биосинтетик жараёнларнинг кечиши табиати тўғрисида имкон қадар чуқур билимга эга бўлиш лозим. Пакана ва ярим пакана пайвандтагларнинг физиологик хусусиятларини батафсил билиш мевали ўсимликларнинг ўсишини самарали бошқаришга, ўсишни бошқарувчи моддаларни асосланган ҳолда қўллашга, шунингдек ҳар хил агротехник тадбирларни муваффақиятли қўллашга имкон беради.*

Клон пайвандтаглари билан селекция ишларини олиб боришда пайвандтаглардаги мавжуд ўсиш кучи ўтасидаги тафовутни (морфологик, биокимёвий ва ҳоказо) аниқлаш катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Бундай тафовутни аниқ белгилаш ёки белгили кўрсаткичларни аниқлаш селекция жараёнининг эрта босқичларида секин ўсиши билан ажралиб турувчи ва эрта ҳосилга кирувчи генотипик жиҳатдан зарур пайвандтаг шаклларини танлаш ишларини ўтказиш имконини беради.

Калит сўзлар: *кучсиз ўсувчи, клон, пакана, ярим пакана, пайвандтаг*

ФАКТОРЫ ОГРАНИЧЕНИЯ СИЛЫ РОСТА ДЕРЕВЬЕВ НА СЛАБОРОСЛЫХ КЛОНОВЫХ ПОДВОЕВ

Аннотация. *В связи с перспективой широкого применения садов на слаборослых подвоях необходимо как можно больше знать о характере происхождения у них биосинтетических процессов. Детальное знание физиологических особенностей карликовых и полукарликовых подвоев позволит эффективнее управлять ростом плодовых растений, более обоснованно применять регуляторы роста и грамотнее проводить различные агромероприятия*

Большое значение в селекционной работе с клоновыми подвоями имеет выявление различий (морфологических, биохимических и др.), существующих у подвоев разной силы роста. Установление таких различий, или выявление маркерных признаков, позволяет на ранних этапах селекционного процесса вести отбор генотипически нужных селекционеру подвойных форм, отличающихся слабым ростом и ранним вступлением в плодоношение. В данной работе сделана попытка выявить *характер различий у подвоев разной силы роста в питомнике и дать им оценку с точки зрения их использования при отборе новых слаборослых форм.*

Ключевые слова: *слаборастущий, клон, карликовый, полукарликовый, привой.*

FAKTORS LIMITING THE GROWTH FORSE OF TREES ON LOV-GROVING CLONAL ROOTSTOCKS

Annotation. *Given that the widespread use of bonds in weakly growing welds is promising, it is necessary to have in-depth knowledge as possible about the nature of the course of biosynthetic processes in them. Detailed knowledge of the physiological properties of small and semi-small grafts allows you to effectively manage the growth of fruit plants, the application of growth-based substances, as well as the successful application of various agro-technical measures. It is of great importance to determine the difference (morphological, biochemical, etc.) between the existing growth force in the grafts when carrying out selection work with clone grafts. Precise identification of such a difference or identification of specific indicators allows the selection of genotypically necessary graft forms that are characterized by slow growth in the early stages of the selection process and are included in the early harvest.*

Keywords: *weak growing, clone, stunted, semi-stunted, grafted*

Мавзунинг долзарблиги.Клон пайвандтаглари билан селекция ишларини олиб боришда пайвандтаглардаги мавжуд ўсиш кучи ўртасидаги тафовутни (морфологик, биокимёвий ва ҳоказо) аниқлаш катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Бундай тафовутни аниқ белгилаш ёки белгили кўрсаткичларни аниқлаш селекция жараёнининг эрта босқичларида секин ўсиши билан ажралиб турувчи ва эрта ҳосилга кирувчи генотипик жиҳатдан зарур пайвандтаг шаклларини танлаш ишларини ўтказиш имконини беради.

Тадқиқотнинг мақсади.Ўсиш кучига боғлиқ равишда пайвандтаглар ва кўчатларнинг биологик хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқот вазифалари:

- кўчатзорда пайвандтаглар ва кўчатларнинг ўсиш кўрсаткичлари;
- фотосинтез маҳсулотларининг тақсимланиши;
- сув тартиботининг айрим кўрсаткичлари;
- гормонал хусусиятлар;
- шунингдек ўсиш кучини эрта ташхис қилишнинг самарали усулларини баҳолаш ва танлаш.

Пайвандтаг – И.В. Мичуриннинг [1] таъриф беришича, мевали дарахтнинг “пойдевори” бўлиб хизмат қилади. Пайванд қилинган навга пайвандтагларнинг таъсир этиши қадимдан маълум. Ушбу таъсир пайвандтаг ва пайвандустларнинг ҳам гормонал даражадаги, ҳам аъзо ва тўқималар даражасидаги ўзаро мураккаб гормонал алоқасига боғлиқдир [2; 3].

Клон пайвандтаглари тўғрисидаги дастлабки фикрлар XVI асрда юзага кела бошлади. Ғарбий европада кучсиз ўсувчи пайвандтаглар XVIII асрда тарқала бошлади [4]. Россияга бундай пайвандтаглар XIX аср ўрталаридан кириб кела бошлаган.

1912 йилга келиб Ист-Моллинг тажриба станциясида (Англия) Хеттон машғур олимлар Амос ва Виттлар билан биргаликда коллекция тўплашга эришдилар, ушбу коллекция таркибида Европа мамлакатларидан келтирилган қарий 70 та клон пайвандтаглар ўрин олди. Кўп йиллар мобайнида олиб борилган ишлар натижасида, аралашмаларни брак қилишдан сўнг олма клон пайвандтагларининг 16 та типи ажратилди ва уларга 1 дан 16 гача рақамли ном берилди. Кейинчалик эса ушбу мос ҳолдаги рақамларга М белгисини қўшиш қабул қилинди [5]. Ушбу коллекцияга ҳар хил ўсиш кучига эга пайвандтаглар киритилди – паканадан (М9, М8) кучли ўсувчигача (Ml, Ml6).

Узоқ вақт мобайнида кучсиз ўсувчи пайвандтагларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги масала ноаниқлигича қолган. Уларнинг ватини Волга бўйи, Ғарбий Европа ва бошқа минтақалар деган тахминлар билдирилган, аммо уларнинг аниқ исботи келтирилмаган. Пакана пайвандтагларнинг келиб чиқиши назарияси [6;7] томонидан шакллантирилган ва далиллар билан исботланган.

XX асрнинг 30-йилларида И.В. Мичурин номидаги мева-сабзавотчилик институтида В.И. Будаговский қишга чидамли янги кучсиз ўсувчи клон пайвандтагларини чиқариш бўйича селекция ишларини бошлаб юборди. Бунда профессор Н.Г. Жучков томонидан тўпланган пайвандтаглар коллекцияси ўрганилди, пайвандтагларни Россиянинг жанубидаги кўчатзорларда тадқиқ қилиш ўтказилди. Ўрганилган пайвандтагларнинг аксарият қисмида Россиянинг марказий қисми учун қишга чидамсизлик қайд этилди. В.И. Будаговский таъкидлайдики, пакана пайвандтагларнинг келиб чиқиши тўғрисида масалани ойдинлаштириш янги, янада такомиллашган пайвандтаг шаклларини яратиш устида ишончли иш олиб бориш имконини беради. У Кавказортида маҳаллий аҳоли томонидан ўстирилаётган вегетатив йўл билан кўпаювчи пакана бўлиб ўсувчи олмаларни қайд этди: Грузияда – Хомандули, Арманистонда – Марга Хндзор, Доғистон ва Азарбайжонда Дипчек Алма (Дипчек Алмаси). Кавказорти олмаларини батафсил ўрганиш уларнинг Ист-Моллинг пайвандтаглари – пакана М8 ва М9 ҳамда ярим пакана М2 ва М5 ларга амалда тўлиқ мос келиши аниқланди [8].

Шундай қилиб, исботландики, кучсиз ўсувчи вегетатив йўл билан кўпаядиган пайвандтагларнинг ватани Кавказорти ва олд Осиё ҳисобланади.

Пакана М8 ва М9 пайвандтаглари В.И. Будаговский томонидан паканалик ва яхши илдиз отувчанлик белгиларининг манбаи ва донори сифатида селекция жараёнида қўлланилди. Қишга чидамлилик ва қурғоқчиликка чидамлилик донорлари сифатида И.В. Мичуриннинг қуйидаги навлари олинган: Таежное (Кандиль-китайка x Malus baccata) ва Красный штандарт (Пепин шафранный x (Malus Niedzwetzkyana x Антоновка обыкновенная)). Красный штандарт нави қишга чидамлилиги, шунингдек барг ва меваларининг қизил пигментли бўлиши билан (Недзведский олмасидан ирсий ўтган) ажралиб туради. Таежное нави – И.В. Мичуриннинг қишга энг чидамли навларидан бири. У вегетатив йўл билан кўпая олиши ҳамда тез ҳосилга кириши билан ҳам ажралиб туради. Таежноенинг бир йиллик ниҳоллари кўчатзорда мўл гуллайди ва ҳосил беради. Натижада ҳар хил ўсиш кучига эга, шунингдек М8 ва М9 пайвандтагларига нисбатан қишга юқори чидамлироқ биринчи пайвандтаглар олинган.

Кейинчалик ушбу шакллар (ПБ ва 13-14) ўзаро, халқ селекцияси навлари, И.В. Мичурин ва С.Ф. Черненко навлари билан чатиштирилган. Жами чатиштириш учун дастлабки жуфтликлар сифатида олманинг 9 та тури, 17 та навлари, маҳаллий ва хориждан келтирилган 10 дан ортиқ пайвандтаглар, шунингдек биринчи-учинчи авлоднинг юзлаб дурагайлари қўлланилган.

Кўп йиллик селекци ишлари натижасида МДАУ нинг Мевачилик кафедрасида қатор қимматли белгиларга эга бўлган қишга чидамли клон пайвандтаглар олинган. Ҳозирги кунда МДАУ нинг селекцион боғлари, оналик кўчатзорлари ниҳолзорларида олманинг қарийб 3000 дурагайи ва 28 тури ўрганилмоқда [9].

Ушбу кафедра ва В.И. Будаговский селекциясининг пайвандтаглари Россиянинг кўпгина минтақалари, хориж, шунингдек бизнинг мамлакатимизда кенг қўлланилмоқда [10].

Бинобарин, 2001 йилда МДАУ Мевачилик кафедраси селекциясининг қуйидаги 17 та янги пайвандтаги Россия Федерациясининг селекция ютуқлари давлат реестрига киритилди: 54-118, 57-233, 57-257, 57-366, 57-476, 57-490, 57-491, 57-545, 58-238, 60-160, 60-164, 62-233, 62-396, 67-5(32), 71-3-150, Малыш Будаговского (76-6-6).

Олинган пайвандтаглар олманинг 3 дан 9 тагача турига хос хусусиятларни ўзида мужассам этган (Malus domestica, Malus prunifolea, Malus zumi, Malus ioensis, Malus Niedzwetzkyana, Malus baccata ва бош.) [9]. Уларда ўсиш кучи бўйича кескин ўзгариш қайд этилган: супер паканадан кучли ўсувчигача.

Ўсиш кучи белгисининг полиморфизми олинган пайвандтагларнинг бой ирсий асосига боғлиқдир, чунки кучсиз ўсувчи шакллар М8 ва М9 пайвандтагларини ўз ичига олувчи Malus pumila туридагина мавжуд эмас, балки бошқа турларда ҳам учрайди. В.В. Пономаренконинг маълумотига кўра Байкал ортида Сибир олмасининг (Malus baccata) пакана шакли топилган, у иккинчи йилидан бошлаб ҳосил беради.

И.В. Казаков ва Н.И. Савельевларнинг [11] маълумот беришича, Ҳиндистонда Ҳимолай тоғларида ўсувчи Сибир олмасининг ёввойи популяциялари орасидан кучсиз ўсувчи вегетатив йўл билан кўпаядиган пайвандтаглар танлаб олинган. Пакана ўсимликлар маданий навларнинг (Malus domestica) эркин чангланиши авлодларидан ажратиб олинади. Буларга Скрыжапель, Макфри, Прайм, Прима, Бабушкино, Боровинка, Антоновка обыкновенная, Анис Алый, Папировка навларини мисол қилиш мумкин [12].

Таъкидлаш жоизки, сўнги 4 та нав кучсиз ўсувчи қишга чидамли пайвандтаглар селекциясида В.И Будаговский томонидан кенг қўлланилган.

Шундай қилиб, МДАУ Мевачилик кафедраси ва В.И. Будаговский селекцияси пайвандтагларининг тез ҳосилга кириши ва секин ўсиши Malus авлодига мансуб ҳар хил турлардан наслий ўтгандир. Демак, уларда ўсиш кучи белгиси полиген табиатга эга ва у кенг фенотипик хилма-хилликни юзага келтиради.

Пакана олма (Malus pumila), Сибир олмаси (Malus baccata) ва маданий олма навларидан (Malus domestica) ташқари, пакана ва ярим пакана шакллар Malus авлодининг бошқа турларида ҳам мавжуддир. Буларга Сиверс олмаси (Malus Sieversii), Жуковский олмаси (Malus manshurica subsp. Zhukowskyi), Туркман олмаси (Malus turkmenorum), Комаров олмаси (Malus Komarovii), Зибольд олмаси (M. Sieboldii), Саржент олмаси (M. Sargenti) ва бошқаларни мисол қилиш мумкин.

Турли географик минтақалардаги ҳар хил олма турларида кучсиз ўсувчи шаклларнинг шаклларнинг мавжудлиги шуни кўрсатадики, пакана ва ярим пакана ўсимликларнинг пайдо бўлиш жараёни қандайдир битта турнинг мутлақ белгиси ҳисобланмайди, балки у бутунлай Malus авлодига хос хусусиятдир.

Паканалик Malus авлодида морфофизиологик феномен сифатида эволюция жараёнида пайдо бўлган. Пакана олмалар кучли ўсувчиларга нисбатан юқори экологик пластиклиги ва кенг мослашувчанлик потенциали билан ажралиб туради. Маълумки, ўтсимон шакллар ёғочлиларга нисбатан юқори прогрессив ҳисобланади. Олимлар таъкидлашадики, буталар ва ўтлар ўзларининг бирмунча баландроқ ўсувчи аждодларидан келиб чиққан [13]. Пакана бўлиб ўсувчи олмаларнинг анатомик-морфологик ва физиологик хусусиятлари: пўстлоғи ёғочлигига нисбатан яхши ривожланганлиги, камбийнинг фаолият даври анча қисқалиги, кучли ўсувчи дарахтларга нисбатан ҳаётий даври анча қисқалиги [14], уларнинг буталар ва кўп йиллик ўтларга эволюцион яқинлигини кўрсатади. Тахмин қилиш мумкин, пакана олмалар – дарахтларнинг ўтларга ўтиш эволюцияси жараёнининг ўзига хос ҳаётий шаклидир.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Никкелл Л. Дж. Регуляторы Роста растений. Применение в сельском хозяйстве. М.: Колос, 1984. 192 с.
2. Будаговский В.И. Карликовые подвои для яблони. М. Сельхозгиз, 1959. 352 с.
3. Никкелл Л. Дж. Регуляторы Роста растений. Применение в сельском хозяйстве. М.: Колос, 1984. 192 с.
4. Третьяков Н.Н., Кошкин Е.Н., Макрушин Н.М. и др. Физиология и биохимия сельскохозяйственных растений. М.: Колос, 1998. - 640 с.
5. Будаговский В.И. О происхождении карликовых подвоев яблони // Ботанический журнал. - 1957, т. 42, № 2. с. 211-229.
6. Будаговский В.И. Карликовые подвои для яблони. М. Сельхозгиз, 1959. 358 с
7. Гуляев Б.И. Фотосинтез и продуктивность растений: проблемы, достижения, перспективы исследований // Физиология и биохимия культурных растений.- 1996. № 1-2. с. 15-31.
8. Гаврилюк И.И. Сахара, фитогормоны и адаптация яблони // Эндогенная и экзогенная регуляция роста и развития растений. - Кишинев, Штиинца. 1985.с. 22-32.
9. Гудковский В.А., Кладь А.А. Концепция развития интенсивного садоводства в современных условиях России // Садоводство и виноградарство. -2001. №4. с. 2-8.
10. Будаговский В.И. Сады нового типа (Опыт выращивания слаборослых плодовых деревьев в Тамбовской области) // Биология и агротехника слаборослых деревьев яблони. - Воронеж. - 1972. с. 3-17.
11. Потапов В.А., Гусева Н.Н. Итоги селекции слаборослых клоновых подвоев яблони в Плодоовощном институте им. И.В. Мичурина // Повышение эффективности сельскохозяйственного производства: опыт и проблемы. Мичуринск, 1993. с. 29-31.

12. Жапарбаев Т.А., Криворучко В.П. Летняя транспирация яблони в условиях Кочкорской долины // Интродукция и акклиматизация древесных и кустарниковых растений в Киргизии. - Фрунзе, 1984. с. 73-76.
13. Жученко А.А. Генетика томатов. - Кишинев.: Штиинца, 1973. 662 с.
14. Муромцев И.А. Активная часть корневой системы плодовых растений. М., Колос. 1969. 245 с.

SECTION: BIOLOGY SCIENCE

Islamov B. S.
Dotsent,
Xurramov O. G'.
Magistrant
Samarqand Davlat universiteti
(Samarqand, O'zbekiston)

SILLIQ SHIRINMIYA (GLYCYRRHIZA GLABRA L.) NING BIOEKOLOGIK XUSUSIYATLARI

Annotatsiya: *Ushbu maqolada glycyrrhiza glabra L. o'simligining qisqacha o'rganilish tarixi, kimyoviy tarkibi, Samarqand viloyati sharoitida bioekologik xususiyatlari, labaratoriya va dala sharoitida urug' unuvchanligi, o'simlikning ildiz tizimi, uning tuzilishi, vegetativ ko'payishdagi o'rni, introduktsiya qilish imkonlari, akklimatizatsiya xususiyatlari, yer ustki va ostki hosildorligi, o'sish va rivojlanish dinamikasi va boshqalar haqida ma'lumotlar keltirilgan.*

Kalit so'zlar: *vegetativ, tizim, hosildorlik, introduktsiya, glycyrrhiza, glabra, o'simlik biologiyasi, bioekologiya, akklimatizatsiya dukkak, barg, ildiz, dinamika, skarifikatsiya, laboratoriya, dala, unuvchanlik.*

Исламов Б. С
Доцент,
Хуррамов О. Г
Магистрант
Самаркандский государственный университет
(Самарканд, Узбекистан)

БИОЭКОЛОГИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА КРЕМНИЕВЫХ СЛАДОСТЕЙ (GLYCYRRHIZA GLABRA L.)

Аннотации: *В статье представлена краткая история изучения растения глицирриза глабра L., химический состав, биоэкологические свойства в Самаркандской области, прорастание семян в лабораторных и полевых условиях, корневая система растения, ее строение, роль в вегетативном размножении, данные интродукции. Особенности акклиматизации, продуктивность верхнего и нижнего слоев почвы, динамика роста и развития и т. д.*

Ключевые слова: *вегетативный, система, урожай, интродукция, солодка, глабра, биология растений, биоэкология, акклиматизационный боб, лист, корень, динамика, скарификация, лаборатория, поле, забывчивость.*

Islamov B. S.
Associate Professor
Hurramov O. G
Master student
Samarkand State University
(Samarkand, Uzbekistan)

BIOECOLOGICAL PROPERTIES OF SILIC SWEETS (GLYCYRRHIZA GLABRA L.)

Annotation: *In this article a brief history of the study of glycyrrhiza glabra L. plant, chemical composition, bioecological properties in Samarkand region, seed germination in laboratory and field conditions, root system of the plant, its structure, role in vegetative reproduction, introduction data on acclimatization features, topsoil and bottomsoil productivity, growth and development dynamics, etc.*

Keywords: *Vegetative, system, yield, introduction, glycyrrhiza, glabra, plant biology, bioecology, acclimatization legume, leaf, root, dynamics, scarification, laboratory, field, forgetfulness.*

Asosiy qism

Silliq shirinmiya (Glycyrrhiza glabra L.) o'simligini birinchilardan bo'lib, eramizning 190-yillarida Xitoyning buyuk o'simlikshunos ustasi Chjan Zhong Zhing o'rgangan. Glycyrrhiza glabra L. o'simligi 1753-yilda Karl Linney tomonidan binar nomenklatura bo'yicha nomlagan. Silliq shirinmiya-Glycyrrhiza glabra burchoqdoshlar (Fabaceae) yoki dukkakdoshlar oilasiga mansub ko'p yillik o't o'simlik. O'simlik keng arealga ega. I.F.Musayev ma'lumotlariga ko'ra *Glycyrrhiza* turkumining aksariyat turlari O'rta yer dengizi florasi mintaqasining o'simliklari hisoblanadi. Turlarning O'rta yer dengizi floristik viloyatida keng tarqalishiga qaramay, G. glabraning asosiy xomashyo ba'zasi O'rta Osiyo va Qozog'iston mintaqalari hisoblanadi, qizilmiya ildizining nazoratsiz qazib olinishi natijasida oxirgi yillarda xom ashyo zahiralari uch baravar kamayib ketgan(8).

Fanda Glycyrrhiza L. turkumining 30 ta turi ma'lum. O'rta Osiyo florasida esa 9 ta turn(*Glycyrrhiza glabra, Glycyrrhiza aspera, Glycyrrhiza uralensis, Glycyrrhiza echinata, Glycyrrhiza korshinskiyi, Glycyrrhiza bucharica, Glycyrrhiza gontscharovii, Glycyrrhiza triphilla, Glycyrrhiza erythrocarpa*) uchraydi. Bulardan O'zbekiston florasida 5 ta tur (*Glycyrrhiza bucharica, Glycyrrhiza aspera, Glycyrrhiza lexissima, Glycyrrhiza uralensis, Glycyrrhiza glabra)* tarqalgan.

O'rta Osiyoda G. glabraga oid kompleks tadqiqotlar va tur ichidagi polimorfizmni o'rganish o'tgan arsning 50-yillarida boshlangan.*Glycyrrhiza glabra* qadimgi dorivor o'simliklar sifatida ko'plab mamlakatlarda ma'lum bo'lgan. So'nggi yillarda yer usti massasidan foydalanish imkoniyati va istiqbollari, biologik xususiyatlarining ba'zi tomonlari o'rganilgan. Bu o'simlik qo'llaniladigan dorilar soni bo'yicha gulli o'simliklar orasida birinchi o'rinda turadi (8). Glycyrrhiza glabraning dori, ham xushbo'y o'simlik sifatida keng tarqalgan o'simlik ekanligi tarixdan ham ma'lum. Bu o'simlik jigar kasalliklarida, artrit va og'iz yaralarida, kuchli yallig'langanda qo'llaniladi. Ildiz ekstraktining fitokimyoviy tahlili uning tarkibida saponin, triterpenlar (glisirrizin, glikirretin kislotasi), flavonoidlar (likirtin, izoflovonoidlar) va kumarinlar, shakar, aminokislotalar, taninlar, kraxmal, xolin, fitosterollar mavjudligini ko’rsatdi (5). *Glycyrrhiza* turlaridan ko’p miqdordagi (400 dan ortiq) kimyoviy birikmalar ajratib olingan bo’lib, ularning tarkibi har xil, o'simlik turlari va geografik tarqalishiga qarab farq qilishi mumkin. Glycyrrhiza glabra ildizida glitserrizin mavjud bo’lib, u qamish (Phragmites) shakariga nisbatan 60 marta shirindir (5). Ildizidagi shirin ta’mni beradigan komponent glizirrizik kislotasining kaliy-kalsiy-magniy tuzlari aralashmasi bo’lib, 2-25% oralig’ida o’zgarib turadi. Miloddan avvalgi IV asrdan yunon olimi Teofrast qizilmiyani quruq yo’tal, nafas yo’llari kasalliklari uchun yaxshi deb yozgan.Markaziy Osiyo faylasufi Ibn Sino jigarning yallig’lanish kasalliklarida qizilmiya ildizidan foydalanishni tavsiya qilgan. *Glycyrrhiza glabra L.* xalq tabobatida keng qo'llanilgan va bugungi kunda tijorat uchun juda muhim ahamiyatga ega bo'lgan tur hisoblanadi. Bu o'simlik tabiiy shaklda iste'mol qilinishi mumkin. Quritilgan qizilmiya ildizini shirinligi sababli chaynash mumkin (6). U sil kasalligini ham davolaydi. Silliq shirinmiya qandli diabet va diabetdan tarqaladigan kasalliklarni davolaydi. Qizilmiyaning eng katta xossalaridan biri saratonga qarshi formuladir. Qizilmiya jigarni va gepatit C dan keyingi jigar saratoni rivojlanish xavfini pasaytiradi (Xyustonning funktsional tibbiyoti. 2017). Nafas olish, oshqozon-ichak, yurak-qontomir, ko’z va teri kasalliklarida qo’llaniladi (6). Ildiz ekstrakti yengil esterogen ta’sirni keltirib chiqaradi va ba’zi kishilar uchun foydali bo’lishi isbotlangan (Rajesh va boshqalar, 2000). Hozirgi paytda bir nechta tadqiqotchilar tomonidan o'tkazilgan tadqiqotlarga ko’ra *G. glabra* xotira kuchaytiruvchilik xususiyatlarini namoyish etuvchi o'simliklardan biridir. Qizilmiya (Glycyrrhiza glabra L. 2n=16) biofaol xusussiyatga ega bo’lgan ko’plab birikmalarni sintezqiladigan o’simlik. Ulardan eng taniqli triterpen saponin, glitsirrizin (shakarga nisbatan 150 barobar shirinroq) keng doirada yallig’lanishga qarshi, oshqozon yarasi, allergiya hamda viruslarga qarshi, shu jumladan COVID-19 ga qarshi ishlatish mumkin, immunitet qobiliyatini kuchaytirish qobiliyatiga ega, lekin gipertoniya holatida foydalanmaslik tavsiya etiladi (7).

Qizilmiya ko‘p yillik, bo‘yi 50-100 sm ga yetadigan, yerostki qismi kuchli taraqqiy etgan o‘t o‘simlik. Ildizpoyasi ko‘p boshli, kalta, yo‘g‘on bo‘lib, hamma tomonidan yer ostida gorizontal joylashgan, uchi kurtak bilan tamomlanuvchi novdalar va pastga qarab bitta asosiy vertikal o'qildiz o'sib chiqqan. Asosiy o‘qildizning uzunligi 4-5 m bo‘ladi. Poyasi bir nechta, tik o‘suvchi, shoxlanmagan yoki kam shoxlangan, tukli bo'lib, mayda nuqtasimon bezlar yoki mayda tikanlar bilan qoplangan. Bargi toq patli, murakkab, 3-7 juft bargchalardan tashkil topgan. Bargcha ellipssimon, cho‘ziq-tuxumsimon yoki lansetsimon, tekis qirrali, yopishqoq bezlar bilan qoplangan. Qo‘shimcha barglari mayda, lansetsimon bo‘lib, to'kilib ketadi. Gullari qiyshiq, barg qo‘ltig‘idan chiqqan shingilga to‘plangan.

Biz Samarqand viloyatining Oqdaryo va Urgut tumanlarida glycyrrhiza glabra o’simligining biologik xususiyatlarini o’rgandik. 2020-yilda o’simlikning fenologik xususiyatlarini o’rganish natijasida quyidagi natijalar olindi: vegetatsiyasi 22-martdan boshlanib, 176 kun davom etdi. 2021 yilda esa, vegetatsiya ertaroq boshlandi va 20-fevrallarga to’g’ri keldi. Oqdaryo va Urgut tumanlari bo’yicha olingan fenologik ma’lumotlar qyuyida 1- va 2-rasmlarda keltirilgan.

SCIENCECENTRUM.PL ISSUE 3(36) PART 3 ISBN 978-83-949403-4-8

1-rasm.

Silliq shirinmiyaning Oqdaryo tumanida tajriba maydonidagi 2020-yildagi fenologik holati.



2020-yil Oqdaryo tumani

——— -Vegetatsiya, \\\\\\\\\\ - Barglash, OO -G'unchalash, * * *- Gullash, V V V –Mevalash, ////// -Mevaning pishishi,

S S S-Tinim

2-rasm

Silliq shirinmiyaning Urgut tumanida tajriba maydonidagi 2020- yildagi fenologik holati.



2020-yil Urgut tumani

——— -Vegetatsiya, \\\\\\\\\\ - Barglash, OO -G'unchalash, * * *- Gullash, V V V –Mevalash, ////// -Mevaning pishishi,

S S S-Tinim

O'simlikning poyasini uzunligi Oqdaryo tumanidagi tajriba maydonida 118,9±4,07sm, Urgut tumanida esa, 81,7±3,28sm ekanligi aniqlandi. Simpodial tipda shoxlangan. Urgut va Oqdaryo tumanlari tajriba maydonida shirinmiyaning yer ustki qismlarini o'sish dinamikasini aniqlash bo'yicha olib borilgan tajriba natijalari 3-rasmda ko'rsatilgan.

SCIENCECENTRUM.PL ISSUE 3(36) PART 3 ISBN 978-83-949403-4-8

3-rasm.

Silliq shirinmiyaning Urgut va Oqdaryo tumanlari tabiat tajriba maydonidagi poyasi va bargining o'sish dinamikasi.



Poyasida gullash fazasi boshlangan vaqtda juda ko'p mayda, bezli tuklardan shira moddasi ajralishi kuzatildi. Barglari 11-13-15 ta toq patsimon murakkab, cho'ziq tuxumsimon shaklli bo'lib, umumiy uzunligi o'rtacha 17,11±1,48 smni, bitta barg yaproqchasi esa, bo'yi 4,3±0.2, eni esa 1,6±0,017smni tashkil qildi. Gullari zigomorf, shingil to'pgulda joylashgan. To'pgulining uzunligi 14,25±0,48sm. Gultojbarglari to'q binafsha rangda. Bir tup o'simlikda 957tagacha gul hosil bo'ladi. Bitta gulning ochilib turish vaqti o'rtacha 26 soat. O'simlikning mevasi ochilmaydigan dukkak meva. Dukkagi 2-6 urug'li. Uzunligi 1,8±0,16sm. Urug'i ko'kimtir, qoramtir-jigar rang. 1000 ta urug'ining massasi 5,2-5,6 gr.

Biz labaratoriya sharoitida urug'larning unuvchanligini o'rgandik. Buning uchun 1 yil tinim davrida bo'lgan urug'larni kaliy permanganat eritmasining 0.1% li eritmasi bilan ishlov berdik. So'ng urug'larni Petri likopchalariga nam filtr qog'oz ustiga 50 donadan sanab, 5 takroriylikda termostatlarga joylashtirdik. Termostatda 10, 15, 20, 25, 30, 35 gradus haroratlarda urug'larning unuvchanligini kuzatdik. Urug'larning unuvchanligiga haroratning tasiri quyida 1-jadvalda keltirilgan.

1-jadval

Silliq shirinmiya o'simligi urug'larini laboratoriya sharoitida unuvchanligi

Harorat	Tajribadan keyin, unishni boshl.(kun)	O'sish davomiyligi (kun)	Unuvchanlik(%)
10	21,2	38,1	20,37
15	18,4	35,3	25,51
20	15,3	31,2	32,86
25	11,2	26,6	35,18
30	7,5	11,4	43,57
35	6,3	8,3	36,45

1-jadvaldan ko'rinib turibdiki, Silliq shirinmiya o'simligining urug'lari unuvchanligi ancha keng diapozonli haroratda kuzatiladi. Uning urug'larini unib chiqishi uchun optimal harorat 30 C^0 bo'lib, bunda tajriba boshlangandan keyin 7,5 kundan unib chiqish boshlanadi, unish davomiyligi 11,4 kun davom etib, unish foizi esa, 43,57% ni tashkil etadi. 10 C^0 da esa, 21,2 kunda unib chiqqan bo'lsa, o'sish davomiyligi 38,1 kunni, unuvchanlik foizi esa, 20,37% ni tashkil etdi. 35 C^0 da esa bu ko'rsatkichlar 6,3 kunda unib chiqqan bo'lsa, o'sish davomiyligi 8,3 kunni, unuvchanlik foizi 36,45% ni tashkil etdi va 9-10 kunlardan boshlab qolgan urug'lar chirib ketadi. Tajribalar davomida shirinmiya urug'larining unib chiqishiga skarifikatsiya usullarining ta'siri ham o'rganildi. Olingan ma'lumotlar 2-jadvalda keltirilgan.

2-jadval

Silliq shirinmiya urug'larini laboratoriya va dala sharoitida unib chiqishiga skarifikatsiyaning tasiri

Ishlov berish usullari	Labaratoriya sharoitida unuvchanlik, %	Dala sharoitida unuvchanlik, %
1.Ishlov berilmagan	42,3± 1,3	38,2± 0,7
2.Sovuq bilan ishlov berish	51,7± 2,1	47,3± 1,9
3.Qum bilan ishlov berish	46,3± 2,0	38,7± 2,0
4. Mis kuporosi eritmasi	49,3± 1,7	35,7±1,5
5. Sink eritmasi	38,7± 2,0	32,3±1,7
6. Yantar kislotasi	37,2±2,3	35,1±2,1

2-jadvaldan ko'rinib turibdiki, silliq shirinmiyaning skarifikatsiyalangan urug'larning laboratoriya va dala sharoitida unuvchanligiga ta'siri sezilarli darajada. Ishlov berilmagan urug'lar unib chiqishi 42,3-38,2% natija bergan bo'lsa, turli yo'llar bilan ishlov berilgan urug'lar, laboratoriya sharoitida 37,2-51,7%ni, dala sharoitida esa, 32,3-47,3%ni tashkil etgan.

Biz tabiiy tajriba maydonlarimizda ildiz tizimini Taranovskayaning xandak qazish metodi bilan, gullash biologiyasini Ponomaryov metodikasi yordamida, tabiatdagi urug' hosildorligi va boshqa biologik xususiyatlari o'rganilgan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zbekiston florasi 3-tom.1961-yil. (717-720-bet).
2. O'rta Osiyo o'simliklar aniqlagichi. 4-tom. 1981-yil. (281-285-bet).
3. I.V. Belolipov va boshqalar "Botanika va o'simliklar fiziologiyasi", Toshkent-2018, 280-bet.
4. "Oziq-ovqat xavfsizligi: milliy va global omillar" II-xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya dasturi. Samarqand-2020. (431-436-bet).
5. "Biologiyaning hozirgi zamon muammolari" mavzusidagi xalqaro konferensiya. Samarqand-2020. 20-23-bet.
6. B.J. Zadeh, Z.M. Kor "Qizilmiya (Glycyrrhiza glabra Linn) qimmatbaho dorivor o'simlik" Hindiston-2013. 1281-1288-bet.
7. Chang H.M, But P.P "Farmokologiya" Xitoy-2015. 304-316.

8. S.H. Marjan, E. Morteza "Yo'qolib ketish xavfi ostida bo'lgan dorivor o'simlik qizilmiya (G.Glabra L)ning assotsatsiasi tahlili, fitokimyoviy va molekuliyar tarkibi " Fitokimyo. Eron- 2021. 183-bet.
9. N. Viladimirovna. "Tuman yarimoroli florasida shirinmiya o'simligi sinopopuliyatsiyasi" Avtoreferat Rossiya 1998-yil.

Мукимов Мухаммад Карим Адхамович
Фарғона давлат университети Биология кафедраси ўқитувчиси,
Рахимова Дилфуза Хасанбаевна
Фарғона давлат университети Биология кафедраси ўқитувчиси
(Фергана, Узбекистан)

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ СУВ ҲАВЗАЛАРИ ИХТИОФАУНАСИНИНГ РЕСПУБЛИКАМИЗ БАЛИҚЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Аннотация. *Маълумки Фарғона водийси маълум миқдордаги табиий ва сунъий сув ҳавзаларига эга бўлиб, булар дарё, кўл, сув омбори, каналлар ва ҳовузлардан иборат. Мақолада Фарғона водийси сув ҳавзалари ихтиофаунасининг республикамиз балиқчилигини ривожлантиришдаги аҳамияти хақида сўз боради.*

Калит сўзлар: *Ихтиофауна, популяция, Фарғона водийси, кўл, сув омбори, канал.*

Mukimov Muhammad Karim Adhamovich
Lecturer at the Department of Biology, Fergana State University,
Raximova Dilfuza Khasanbaevna
Lecturer at the Department of Biology, Fergana State University
(Fergana, Uzbekistan)

THE IMPORTANCE OF IKHTIOFAUNA IN THE WATER RESERVOIRS OF FERGANA VALLEY FOR THE DEVELOPMENT OF FISHING IN OUR REPUBLIC

Annotation. *It is known that the Fergana Valley has a certain number of natural and artificial reservoirs, which include rivers, lakes, reservoirs, canals and pools. The article discusses the role of ikhtiofauna of the Fergana valley water basins for the development of fisheries in the country.*

Keywords: *Ikhtiofauna, population, Fergana valley, lake, reservoir, canal.*

Мукимов Мухаммад Карим Адхамович
преподаватель кафедры Биологии,
Рахимова Дилфуза Хасанбаевна
преподаватель кафедры Биологии
Ферганский государственный университет
(Фергана, Узбекистан)

ЗНАЧЕНИЕ ИХТИОФАУНЫ ВОДОЁМОВ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ В РАЗВИТИИ РЫБОЛОВСТВА НАШЕЙ РЕСПУБЛИКИ

Аннотация *- Известно, что в Ферганской долине есть определённое количество естественных и искусственных водоемов, к ним относятся реки, озера, водохранилища,*

SCIENCECENTRUM.PL ISSUE 3(36) PART 3 ISBN 978-83-949403-4-8

каналы и бассейны. В статье рассматривается значение ихтиофауны водоемов Ферганской долины в развитии рыболовства в стране.

Ключевые слова: *Ихтиофауна, популяция, Ферганская долина, озеро, водохранилище, канал.*

Республикамиз сув ҳавзаларида жами 80 балиқлар тури яшаса, шулардан 35 тури карпсимонлар оиласига мансубдир. Ихтиофаунамиз таркибидаги умумий балиқларнинг 11 турини махсус онгли тарзда иқлимлаштирилган балиқлар ташкил этади. Ов аҳамиятига эга бўлган 35 турдан 18-20 тури тижорат мақсадларида овланади ва сотувга чиқарилади, қолганлари эса ёки сон жиҳатдан кам миқдордаги популяцияларни ташкил этади ёки “Қизил китоб ” га киритилган.

Фарғона водийси маълум миқдордаги табиий ва сунъий сув ҳавзаларига эга бўлиб, булар дарё, кўл, сув омбори, каналлар ва ҳовузлардан иборат. Бу ердаги сув ҳавзалари Сирдарё ва унинг ирмоқларида жойлашган бўлиб, ҳозирги пайтга келиб деярли барча сув ҳавзаларидан маълум даражада турли мақсадларда фойдаланилиб келинмоқда. Масалан, ирригацион мақсадларда кўплаб сув омборлари, каналлар ва бошқалар қурилган. Сув ҳавзаларидан интенсив тарзда хўжалик фаолиятида фойдаланилиши туфайли уларнинг биологик режими ўзгариб кетди ва бу ҳолат сув ҳавзаларининг балиқчилик аҳамиятини пасайтириб юбормоқда.

Орол денгизи балиқчиликдаги аҳамиятини йўқотгандан сўнг мамлакатимизда балиқ овлаш ва етиштириш асосан ички сув ҳавзаларимиз елкасига тушди. Яъни бутун эътибор мавжуд сув омборлари, кўллар ва дарёлардан максимал даражада балиқчиликда фойдаланиш ҳамда балиқчилик хўжаликларида балиқ етиштиришни кучайтиришга қаратилди. Республикамизда балиқ маҳсулотларининг асосий манбаи ички сув ҳавзалари ҳисобланади. Табиий ва сунъий сув ҳавзаларимизнинг балиқ маҳсулдорлигини юқорига кўтариш ҳозирги пайтдаги балиқчилик фани олдида турган асосий вазифалардан бири бўлиб турибди.

Маълумки, балиқчилигимизда асосан карплар (*Cyprinidae*) оиласига мансуб балиқлар етиштирилади. Чунки бу балиқлар тури тез ўсади, серпушт бўлади ва ховузларда бошланғич занжир халқаларини эгаллайди. Улар аҳоли истеъмол қиладиган оммавий балиқ турлари сифатида кўпайтирилади.

Кейинги йилларда дунё балиқчилигида балиқларни қафасларда етиштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Экспертларнинг таъкидлашларича қафасларда етиштирилган балиқларнинг маҳсулдорлиги бир кубометр сувда 40 кг га етказилмоқда. Кўлларда анъанавий усулларда етиштирилган балиқ маҳсулдорлиги эса бир кубометр сувга 0,2 кг дан тўғри келади.

Республикамизда балиқларни интенсив етиштириш технологияларига ўтиш натижасида кейинги йилларда балиқ маҳсулотларини етиштиришни кескин кўпайтиришга эришилди. Агар республикамиз сув ҳавзаларида 2009 йилгача ҳар йили 6,5 минг тонна балиқ маҳсулотлари етиштирилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2014 йилга келиб 46,5 минг тоннага етказилди. Шундан 30,5 минг тоннаси сунъий сув ҳавзаларида етиштирилган бўлса, 16 минг тоннаси табиий сув ҳавзаларидан овланган.

Ҳозирги пайтда Фарғона вилояти ҳудудидаги мавжуд сув ҳавзаларининг балиқчиликдаги аҳамиятини ошириш, айниқса аквакультуранинг аҳволи ва уни ривожлантириш орқали вилоят аҳолисини балиқ маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарурияти мавжуд. Мавжуд анъанавий технологиялар асосида республикамиздаги мавжуд ҳовуз хўжаликларида асосан карп, оқ дўнгпешона ва оқ амур балиқлари поликультура усулида боқиб келинади. Лекин янги балиқ объектларини, хусусан қимматбаҳо балиқ турларини етиштириш ва уни аҳолига етказиб бериш ҳозирги пайтда давр талаби ҳисобланмоқда. Мана шундай балиқ турларидан бири лососсимонлар оиласига кирувчи форель балиғини ҳовуз балиқчилик хўжаликларида етиштиришдир. Форель балиғини боқишга ихтисослаштирилган Товоқсой балиқчилик хўжалиги (Тошкент вилояти) республикада ҳозирча ягона форель етиштирувчи корхона ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрига кўра ушбу балиқ турини етиштириш учун республикамизнинг кўпгина регионлари қулай иқлим шароитига эга ҳисобланади. Хусусан Фарғона водийси сув ҳавзаларининг аксарият қисми тоғли ҳудудларга яқин бўлганлиги учун сувнинг ҳарорати текисликлардаги сув ҳавзаларига нисбатан паст бўлиб, айнан форель балиғини етиштириш учун қулай ҳисобланади. Чунки форель тоғли ва тоғолди ҳудудлардаги нисбатан совуқ сувли ҳавзалардагина яхши ўсиб ривожланади. Ушбу балиқ учун ўсиш энг қулай бўлган ҳарорат +12-+18^{0}С ҳисобланади, +22^0 С ҳароратда эса унинг озиқланиши ва ўсиши сусаяди. +7^0 С дан паст ҳароратда озиқланиш кескин камаяди.

Кейинги пайтларда балиқ етиштирувчи корхоналар йирик ўлчамли ҳовузларда балиқ етиштиришдан воз кечиб, асосан кичик ва ўрта ҳажмдаги ҳовузлардан фойдаланмоқдалар. Чунки бундай ҳовузларда балиқларни назорат қилиш, уларни озиқлантириш, турли касалликлардан сақлаш, сувнинг гидрологик шароитларини бошқариш қулай ҳисобланади.

Сўнгги йилларда ов аҳамиятига эга бўлган балиқ турларидан ташқари сув ҳавзаларимизга Африка лаққаси, тиляпия ҳамда сибир осетри каби янги балиқ турлари иқлимлаштирилмоқда ва бу ўзининг дастлабки ижобий натижаларини бера бошлади. Масалан, кўпчилик хусусий фермерлар ўз кўлларида Африка лаққасини боқиб жуда яхши маҳсулдорликка эришишмоқда.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Камилов Г.К. Разведение рыб в Узбекистане. Ташкент, 1965.
2. Камилов Г.К. Рыбы и биологические основы рыбохозяйственного освоения воохранилищ Узбекистана. – Автореферат дис… доктора биол. Наук. Ташкент, 1970.
3. Камилов Г. К. Ўзбекистон колхоз ва совхоз балиқ хўжаликларида балиқ ўстириш ва семиртириш бўйича методик тавсиялар. ТошДУ. Ташкент 1984.
4. И.М.Мирабдуллаев, А.Р.Кузметов, А.Р. Қурбонов. "Ўзбекистон балиқлари хилма-хиллиги" (монография). – Тошкент: 2020. "Classic" нашриёти-2020.
5. Мухамедиев А.М. Гидробиология водоемов Ферганской долины Ташкент. Фан.1967
6. Mirzahalilov, M. M., Muqimov MA, N. M. S., Kim, S. I., & Mustafaeva, Z. A. (2006). HYDROCHEMICAL INDEXES AND PHYTOPLANKTON COMPOSITION OF DIFFERENT TYPES OF WATER BODIES IN THE FERGANA VALLEY. O 'ZBEKISTON BIOLOGIYA JURNALI, 36.

SCIENCECENTRUM.PL ISSUE 3(36) PART 3 ISBN 978-83-949403-4-8

УДК 632.937.14.634.31

Омонова Н. М.
Ассистент,
Расулова М. Б.
Ассистент,
Мирзаев М. Ш.
Талаба
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар инситути
(Андижон, Ўзбекистон)

ПОМИДОРДА КАСАЛЛИК ҚЎЗҒАТУВЧИ ПАТОГЕН FUSARIUM OXYSPORUM F.SP. LYCOPERSICI ЗАМБУРУҒИГА ҚАРШИ ТУРЛИ ФУНГИЦИДЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Аннотация: *Ушбу мақолада помидор ўсимлигида касаллик қўзғатувчи патоген Fusarium oxysporum f.sp. lycopersici замбуруғига қарши Ридомил Голд МЦ68% с.д.г. (манкоцеб+металаксил), Превикур SL, 722 с.э.к. (пропамокарб гидрохлорид), Квадрис 25% сус.к. (азоксистробин), Гурзат н.кук. (цимоксанил+мис хлорокиси) ва Фундазол 50% н.кук.(беномил) каби фунгицидларни катта ва кичик меъёрларда лаборатория шароитида синалганда F. oxysporum f.sp. lycopersici патогенига қарши 0,4% ли суспензияда манкоцеб+металаксил, 0,3% ли беномил ва 0,3% ли цимоксанил+мис хлорокиси фунгицидлари юқори натижани кўрсатди.*

Калит сўзлар: *помидор, сабзавот, ўсимлик, патоген, замбуруғ, Fusarium oxysporum f.sp. lycopersici, фунгициd*

Асосий қисм

Дунё аҳоли сонининг ўсиши ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг йилдан-йилга ортиб бориши, қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларини янада кенгайтириш ва юқори сифатли маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлашни тақозо этмоқда. Дунё бўйича бугунги кунда 5,6 млн. гектар майдонда помидор етиштирилиб, ялпи ҳосил 281,5 млн. тоннани ташкил этади. Бугунги кунда ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларига мос очиқ майдонларда помидорнинг 117 та навлари ва дурагайлари Ўзбекистон ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган. Шулардан маҳаллий шароитда ТМК-22, Барлос, Ўзбекистон, Истиқлол, Шафақ, Шарқ юлдузи, Севара, Сетора, Юлдуз,Матонат, Заковат ваСурхон 142 навлари ҳамда Нурафшон F1ва Бурхон F1 каби дурагайлар яратилган [1].

Помидор экинларида учрайдиган асосий касалликлардан фитофтороз, альтернариоз ва фузариоз кенг тарқалган бўлиб, бу касалликлар таъсирида етиштирилаётган ҳосилнинг бир қанча қисми нобуд бўлади. Дунёда ўсимлик касалликлари таъсирида 78 млн. тонна ҳосилга зарар етказилади. Бунда фитопатоген объектлар сони 630 та вирус, 200 та бактерия ва 10 000 та замбуруғ турларини ташкил этган [4].

Помидор ўсимлигинининг ҳосилдорлиги ва етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини пасайтирадиган асосий сабаблардан бири унинг кўплаб касалликларга чалинувчанлигидир, баъзи маълумотларга кўра 70 дан ортиқ, вирус, бактерия ва замбуруғ қўзғатадиган юқумли касалликлари мавжуд бўлиб, улар орасида микозлар устунлик қилади. Очиқ дала шароитида помидорда 28 турдаги ва иссиқхонада 15 турдаги замбуруғлар касаллик қўзғатиши аниқланган [25].

Бироқ, далада касаллик белгилари бир-бирига жуда ўхшаш бўлиб, буларни касаллик қўзғатувчилари орқали аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг жуда муҳим хусусиятлари агросенозда тарқалиши, зарар етказиши ва оммавий ривожланишидир. Очиқ далада ўсаётган ўсимликларни нави, етиштириш технологиялари ва бошқа тадбирлари касалликларни ривожланишига таъсир этади. Касаллик қўзғатувчиларни аниқлаш, айрим биоэкологик хусусиятларини ўрганиш ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан биридир.

Фузариоз касаллигини *Ascomycota* филум, *Sordariomycetes* синфи, *Nectriaceae* оиласи, *Fusarium* туркумига мансуб *Fusarium oxysporum* Shlecht. em. Snyder et Hansen тупроқ замбуруғи қўзғатади.

Помидорда *F. oxysporum* f. sp. *lycopersici* замбуруғи қўзғатадиган фузариоз вилт ушбу экиннинг энг кенг тарқалган ва жиддий касаллигидир [20, 22]. Бу замбуруғ Эронда ҳам иқтисодий аҳамиятга эга бўлган помидор сўлишини қўзғатувчи патоген ҳисобланади [6].

Fusarium туркумига мансуб замбуруғлар асосан тупроқда ва ўсимлик қолдиқларида ҳаёт кечиради. Улар асосан шамол, сув оқими ва механик қуроллар ёрдамида тарқалади. Помидорнинг фузариоз илдиз чириш касаллигини қўзғатувчи *F. oxsysporum* (Schlecht) f. sp. *Radicis lycopersici* (Sacc.) Jarvis & Shoemaker замбуруғи дастлаб 1974 йили Японияда аниқланган. Бир неча йиллардан сўнг Огайо ва Флорида иссиқхоналарида кўзатилган. Патоген 1980 йили Исроил давлатида идентификация қилинган [14].

F. oxsysporum f. sp. *radicis lycopersici* замбуруғи тупроқ патогени ҳисобланиб асосан иссиқхонада етиштираётган помидорда касаллик қўзғатиб ҳозирги вақтда кўплаб давлатлар (АҚШ, Мексика, Канада, Япония, Исроил) асосий касалликлардан бири ҳисобланади, ушбу касаллик туфайли ҳосилнинг 40 фоизи камайишига олиб келади [19].

Помидор уруғларидан ажратиб олинган замбуруғлар ташқи ёки ички инфекция манбалар бўлиши мумкин. Ички инфекция манбалари асосан Fusarium ва айрим пайтларда эса Alternaria туркумларининг вакиллари ҳисобланади. Бу замбуруғларни кўпчилиги уруғларни сақлаш даврида ҳам учрайди. Дала шароитида асосан Botrytis, Fusarium ва Alternaria туркумларига мансуб турларида кузатилади. Мазкур замбуруғларнинг асосий қисми уруғларнинг ички инфекцияси ҳисобланади ва улар бутун сақлаш даврида учрайди. Далада учрайдиган бу замбуруғ турлари уруғларнинг унувчанлигини пасайтиради ва униб чиққан ниҳолларни нобуд бўлишига олиб келади. Fusarium замбуруғлари билан зарарланган уруғлар унувчанлиги 70-80% гача пасаяди ва айрим ҳолларда тўлиқ йўқолади [3].

Ўзбекистонда *F. oxsysporum* замбуруғининг бошқа формалари, жумладан *F. oxysporum* f. sp. *melonis* қовунда ва *F. oxysporum* f. sp. *lycopersici* помидор экинларида вилт касаллигини қўзғатиб, бу экинларнинг ҳосилига катта иқтисодий зарар етказувчи асосий патогенлардан бири ҳисобланади [26].

Касалликка қарши бир қанча кураш стратегиялари мавжудагротехник усуллар, биологик кураш, алмашлаб экиш усули ва кимёвий кураш усули [13]. Фузариоз вилтга қарши курашда чидамли навларни қўллаш энг самарали тадбир ҳисобланади [6], аммо патогеннинг янги ирқлари мунтазам равишда пайдо бўлиб туради, натижада муайян вақтда ўстирилаётган навларнинг чидамлилик генларининг самараси йўқолади [23].

Фузариоз вилт касаллигини бошқаришда биринчи навбатда алмашлаб экишни йўлга қўйиш, биологик назорат қилиш ва касалликларга чидамли навларни экиш тавсия этилади [24].

Фузариоз вилтга қарши кимёвий кураш *in vitro* ва иссиқхона (*in vivo*) шароитларида кўп марта синалган. Фунгицидлар, жумладан беномил, каптафол, имазалил, тирам ва прохлоразнинг помидор фузариоз илдиз бўғзи ва илдизи чиришига қарши самараси мунтазам бўлмаган; ундан ташқари, мева тўқималарида фунгицид қолдиқлари қолиши муаммо туғдирган [16], [12], [11]. Помидорнинг фузариоз илдиз бўғзи ва илдизи чиришини метил бромид ва хлорпикрин фумигантлари камайтирган [17].

Хабарларга кўра мис хлорид, темир хлорид ва марганец сульфат каби бирикмалар касалликка чидамсиз навларда чидамлиликни индукция қилиб,*F. oxysporum* sp. *lycopersici* га қарши самара берган [15].

Помидор уруғларини Витавакс (карбоксин)-тирам ва Витавакс-каптан фунгицидлари билан дорилаб экиш фузариоз вилтга қарши самарали бўлиб, бунда Витавакс-каптаннинг самараси Витавакс-тирамникидан юқори бўлган [9]. Метамидоксим ва мис хлороксиди аралашмасининг *F. oxysporum* sp. *lycopersici* га қарши таъсири *in vitro* шароитида синалган; синов натижалари кўрсатишича ушбу фунгицидлар кучли синергизм намоён қилган, улар помидор касалликларига қарши курашда янги фунгицид ишлаб чиқариш учун асос бўла олиши хулоса қилинган [18]. Ниҳоят, тупроққа Тирам ва Топсин-М аралашмаси 800 мг/г меъёрида киритилиши, 45 кун сўнгра тупроқдаги *F. oxysporum* sp. *lycopersici* инфекциясини 83,4% га камайтирган [8].

Fusarium туркумига мансуб патогенларга қарши синалган фунгицидлар орасида *in vitro* ва иссиқхона шароитида прохлораз ва бромуконазол энг юқори самара кўрсатди [7]. Шунга ўхшаш натижалар прохлоразни Fusarium туркумининг бошқа турларига қарши синов тажрибаларида ҳам олинган [21]. Бошқа тажрибада беномил 10 мкг/мл меъёрда *F. solani, F. oxysporum* ва *F. proliferatum* турлари ўсишини тўла тўхтатиши аниқланган [5]. Ипродион+карбендазим, беномил ва карбендазим10 ва 100 ppm (промилле) концентрациясида10 кундан кейин *F. oxysporum* sp. *lycopersici* ўсишини тўла тўхтатган [10]. Ушбу патогеннинг мицелийси ўсишини тўхтатишда прохлораз ва карбендазим энг юқори самарали эканлиги бошқа тажрибаларда ҳам аниқланган [21].

Помидорда фузариоз касаллигини қўзғатувчи *F. oxysporum* f.sp. *lycopersici* замбуруғига қарши янги фунгицидларнинг таъсирини ўрганиш мақсадида лаборатория шароитида картошка-декстрозали агар озуқа муҳити бўлган Петри ликобчаларда тадқиқотлар олиб борилди.

Тадқиқотларда 2018 йилда Ридомил Голд МЦ68% с.д.г. *(манкоцеб+металаксил)*, Превикур SL, 722 с.э.к. *(пропамокарб гидрохлорид)*, Квадрис 25% сус.к. (*азоксистробин*), Гурзат н.кук. *(цимоксанил+мис хлорокиси)* ва Фундазол 50% н.кук. *(беномил)* фунгицидлар турли концентрацияда синовдан ўтказилди. Бунда патогенлар ўсишига фунгицидлар таъсири 3, 5, 7 ва 14 кун давомида кузатилди.

Помидорда касалликларни қўзғатувчи замбуруғларга қарши фунгицидлар таъсири Д.М. Кохабидзе [2] усулида ўрганилди. Синалаётган фунгицидлар сарф-меъёри ўлчаб олинди, сўнгра пипетка билан препаратдан 3 см^3 ўлчаб, колбадаги 40^{0}С ли эритилган картошка-декстрозали агар озуқа муҳитига солинди. Сўнгра колба чайқатилиб, Петри ликопчаларга қўйилди ва 24 соат қолдирилди. Шундан сўнг Петри ликобчадаги дориланган суъний озуқа муҳитига экиш игнаси билан 3 жойга касаллик қўзғатувчи замбуруғлар экиб чиқилиб, ривожланиши учун термостатга 20-25^{0}С да қўйилди. 3 кундан сўнг касаллик қўзғатувчи замбуруғлар ривожланиши кузатилди.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, *F. oxysporum* f.sp. *lycopersici* патогени назорат вариантида 3-кун1,21 мм ўсган бўлса, 14-кун 4,3 ммгача ўсди.

Синовдан ўтказилаётган фунгицидлардан 0,4% ли суспензияда манкоцеб+металаксил, 0,3% ли беномил ва 0,3% ли цимоксанил+мис хлорокиси *F. oxysporum* f.sp. *lycopersici* патогенига ҳам энг юқори самара кўрсатди. Бу вариантларда ҳам патоген умуман ўсмаганлиги аниқланди.

F. oxysporum f.sp. *lycopersici* патогени ўсишига қарши 0,25% ли суспензияда манкоцеб+металаксил, 0,2% ли беномил ва 0,2% ли цимоксанил+мис хлорокиси кичик меъёрда қўлланилганда замбуруғ ўсиши3-кун 0,17 ммдан 0,24 ммгачани ташкил этган бўлса, 14-кун 0,6 ммдан1,51 мм гача етди.

Шунингдек, азоксистробин (0,06–0,1% ли суспензия) ва пропамокарб гидрохлорид (0,15–0,2% ли) синалаётган вариантларда *F. oxysporum* f.sp. *lycopersici* патогени 3-кун 0,85 мм дан 1,2 мм гача ўсган бўлса, 14-кун1,39 мм дан 3,86 мм гачани ташкил этди (1-жадвал).

Хулоса қилиб айтганда *F. oxysporum* f.sp.*lycopersici* патогенига қарши 0,4% ли суспензияда манкоцеб+металаксил, 0,3% ли беномил ва 0,3% ли цимоксанил+мис хлорокиси фунгицидлари юқори натижани кўрсатди. Бу вариантларда патогенлар умуман ривожланмади.

1-жадвал

F. oxysporum f.sp. _lycopersici_ патогенининг ўсишига турли фунгицидлар таъсири.

Лаборатория тажрибаси (картошка-декстрозали агар озуқа муҳити бўлган Петри ликобчаларда) 2018 йил

Т/р	Вариант	Ишчи эритма қуюқлиги, %	Кунлар давомида патогеннинг ўсиши, мм (X±Sx)			
			3-кун	5-кун	7-кун	14-кун
1.	Назорат (патоген)	-	1,21±0,05	2,80±0,26	3,57±0,05	4,3±0,05
2.	Ридомил Голд МЦ68% с.д.г. *(манкоцеб+металаксил)*	0,25	0,17±0,01	0,33±0,04	0,56±0,02	0,60±0,02
		0,4	0	0	0	0

3.	Превикур SL, 722 с.э.к. *(пропамокарб гидрохлорид)*	0,15	1,10±0,02	1,22±0,02	1,32±0,02	2,26±0,04
		0,2	0,85±0,03	1,08±0,09	1,18±0,06	1,39±0,03
4.	Квадрис 25% сус.к. (*азоксистробин*)	0,06	1,19±0,07	2,17±0,08	3,24±0,13	3,86±0,04
		0,1	1,20±0,04	2,13±0,07	3,07±0,04	3,78±0,03
5.	Гурзат н.кук. *(цимоксанил+мис хлорокиси)*	0,2	0,24±0,03	1,11±0,05	1,15±0,06	1,03±0,03
		0,3	0	0	0	0
6.	Фундазол 50% н.кук. *(беномил)*	0,2	0,19±0,02	0,21±0,03	0,24±0,02	1,51±0,06
		0,3	0	0	0	0
ЭКФ$_{05}$			0,16	0,14	0,21	0,66

Изоҳлар:Назорат вариантида фунгицид қўлланилмаган.
Жадвалда уч қайтариқнинг ўртача қийматлари келтирилган.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат Реестри. Тошкент, 2019. - Б.47-50.
2. Кохабидзе Д.М. Итоги испытания фунгицидов // Ж. Защита растений. - Москва, 1973. - №9. – С.31.
3. Зупарова Д.М., Аблазова М.М. Сабзавот экинларининг касалликларини уруғ орқали ўтиши. / Ўсимликларни ҳимоя қилишда озиқ-овқат ва атроф мухит ҳавфсизлигини таъминлаш муаммолари ва истиқболлари мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси мақолалари тўплами. - Тошкент. - 2019. - Б.22-23.
4. Куниченко Н.А. Возможные направления и перспективы развития исследований в области иммунитета растений в Приднестровье/ Достижения и перспективы развития овощеводства, бахчеводстваи картофелеводства на рубеже веков. - Тирасполь, 2005. - С.39-46.
5. Allen T.W., Enebak S.A., Carey W.A. Evaluation of fungicides for control of species of Fusarium on longleaf pine seed. // Journal of Crop Protection.- 2004.- №23. -pp.979-982.
6. Amini J. Physiological race of Fusarium oxysporum f. sp. lycopersici in Kurdistan province of Iran and reaction of some tomato cultivars to race 1 of pathogen. // JournalofPlant Pathology. - 2009. - №8. -pp.68-73.
7. Amini J., Dzhalilov F.S. The effects of fungicides on Fusarium oxysporum f.sp. lycopersici associated with Fusarium wilt of tomato. // Journal of Plant Protection Research.- 2010. vol. 50.- №2.-pp.172-178.
8. Dwivedai S.K., Dwivedi R.S., Ambasht R.S. Effect of fungicides on population dynamics of Fusarium wilt pathogens of two economic. // Crop Journal of Mycopathological Research. - 1995. - №33. - pp.49-52.

9. El-Shami M.A., Awad N.G.H., AbdelNour N.A.R. Effect of fungicides and herbicides interactions on tomato dampingoff and plant growth. // Egyptian Journal of Agricultural Research.- 1993. - №71. - pp.641-658.
10. Etebarian H.R. Studies of Fusarium wilt of tomato and its chemical control in Varamin area. // Iranian Journal of Agricultural sciences.– 1992. – №23.– pp.1–14.
11. Hartman J.R. and J.T. Fletcher Fusarium crown and root rot of tomatoes in the UK. // Journal ofPlant Pathology.- 1991. - №40. -pp.85-92
12. Jarvis W.R., Fusarium crown and root rot of tomatoes. // Journal of Phytoprotection. - 1988. - №69. -pp.49-64.
13. 13[77;203-б] Kamal A.M. Abo-Elyousr., Hashem M. Mohamed. Biological control of Fusarium wilt in tomato by plant growthpromoting yeasts and rhizobacteria.// JournalofPlantPathology. - №25. - 2009. - pp.199-204.
14. Krikun J.NachmiasA.Rut KonL.The occurrence of Fusarium crown and root rot of tomato in Israel./PhytoparasiticaSpringer International Publishing AG. - 1982. - №10. - p.113.
15. Mandal N.C., Sinha A.K. An alternative approach for the chemical control of Fusarium wilt of tomato. // Journal of Phytopathology. -Indian, 1992. - №45.- pp.194-198.
16. Marois J.J. and Mitchell D.J. Effects of fumigations and fungal antagonists on the relationships of inoculumden sity to infection incidence and disease severityin Fusarium crown rot of tomato. // Journal of Phytopathology.- 1981.- pp.167-170.
17. McGovern R.J., Vavrina C.S. Evaluation of application methods of metam sodium for management of Fusarium crown and root ort in tomato in southwest Florida. // Journal of Plant Disease.- 1998. - №82. - pp.919-923.
18. Nedelcu L., Alexandri A.A. Synergistic effect between metamidoxime and copper oxychloride. / Probleme de Protectia Plantelor. - 1995.- №23.-pp.13-21.
19. Nusret O., Steven E. Fusarium Crown and Root Rot of Tomato and Control Methods. //Journal of Plant Pathology. – 2004. - №3 (1). - pp.9-18.
20. Reis A., Costa H., Boiteux L.S., Lopes C.A. First report of Fusarium oxysporum f. sp. lycopersici race 3 on tomato in Brazil. // Journal of Fitopatologia.- Brasileira,2005. - №30. - pp.426-428.
21. Song W., Zhou L., Yang C., Cao X., Zhang L., Liu X. Tomato Fusarium wilt and its chemical control strategies in a hydroponic system. // Journalof Crop Protection. - 2004. - №23. - pp.243-247.
22. Sudhamoy M., Nitupama M., Adinpunya M. Salicylic acidinduced resistance to Fusarium oxysporum f. sp. lycopersici in tomato. // Journalof Plant Physiology Biochemistry. - 2009. - №47. - pp.642–649.
23. Tello-Marquina J.C., Lacasa A. Evolution of races among Fusarium oxysporum f.sp. lycopersici. De Sanidad Vegetal Plagas. - 1988. - №14. - pp.335-341.
24. Zhonghua M.A., Themis J.M. Advances in understanding molecular mechanisms of fungicide resistance and molecular detection of resistant genotypes in Phytopathogenic fungi. // Journal of Crop Protection.- 2005.- №24. - pp.853-863.
25. Ахатов А.К. Защита растений от болезней в теплицах (справочник).- Москва, 2002. - С.164.
26. Ҳасанов Б.А. Микология. -Тошкент, 2019. - Б.102-107.

27. Омонова, Н. М. (2020). ВЛИЯНИЕ РАЗНОЙ ТЕМПЕРАТУРЫ ВОЗДУХА НА РОСТ ПАТОГЕННЫХ ГРИБОВ В ТОМАТАХ. Life Sciences and Agriculture, (2-3).
28. Раззаков, М. М., & Омонова, Н. М. (2019). ВИДОВОЙ СОСТАВ И АРЕАЛ РАСПРОСТРАНЕНИЯ ГРЫЗУНОВ СКЛАДСКИХ ПОМЕЩЕНИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ. Актуальные проблемы современной науки, (6), 79-82.
29. Омонова, Н. М., Абдуллаева, Х. З., & Гофурова, Ю. К. (2019). ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРИМЕНЕНИЯ ФУНГИЦИДОВ ПРОТИВ ГРИБКОВЫХ БОЛЕЗНЕЙ ТОМАТА. In ПРОРЫВНЫЕ НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ КАК ДВИГАТЕЛЬ НАУКИ (pp.91-94).
30. Жураев, А. А., Камбарова, М. А., & Омонова, Н. М. (2016). ПРИМЕНЕНИЕ РЕГУЛЯТОРА РОСТА И РАЗВИТИЯ ЗЕРЕБРО АГРО В ВЫРАЩИВАНИИ ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ. Современные тенденции развития науки и технологий, (5-1), 53-56.
31. Омонова, Н. М. (2013). ПРИМЕНЕНИЕ ФУНГИЦИДОВ ПРОТИВ ГРИБКОВЫХ БОЛЕЗНЕЙ ТОМАТА. SCIENCE AND WORLD, 54.
32. Omonova, N. M. (2020). THE EFFECT OF DIFFERENT AIR TEMPERATURES ON THE GROWTH OF PATHOGENIC FUNGI IN TOMATOES. In Фундаментальные и прикладные научные исследования: актуальные вопросы, достижения и инновации (pp. 90-93).
33. Omonova, N. M., & Mukhtazar, K. (2019). Methods of fight against temperature diseases in natural damages. Indonesian Journal of Innovation Studies, 8.
34. MAHMUDJONOVNA, O. N., & MUHAMMADIYEVICH, B. F. Protection of Tomatoes From Phytophthora. JournalNX, 6(12), 384-389. Камбарова, М. Х., Расулова, М. Б., &Мўйдинова, М. (2019). РАСПРОСТРАНЕНИЕ МИКРООРГАНИЗМОВ В ПОЧВЕ. Академическая публицистика, (5), 115-117.
35. Камбарова, М. Х., & Расулова, М. Б. РАСПРОСТРАНЕННЫЕ БОЛЕЗНИ КАПУСТЫ В УСЛОВИЯХ УЗБЕКИСТАНА DISTRIBUTED DISEASES OF CABBAGE IN THE CONDITIONS OF UZBEKISTAN. ББК 65.2 С56, 111.
36. Мустафакулова, Ф. А., & Расулова, М. Б. (2019). ОСНОВНЫЕ ЗАДАЧИ ДЛЯ ПОЛУЧЕНИЯ БАКТЕРИАЛЬНЫХ БИОЛОГИЧЕСКИХ ПРЕПАРАТОВ. НАУЧНЫЙ ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ «АКАДЕМИЧЕСКАЯ ПУБЛИЦИСТИКА», 43.
37. Расулова, М. Б., Нуралиев, Х. Х., &Камилов, Ш. Г. (2013). ГРИБКОВЫЕ БОЛЕЗНИ БАХЧЕВЫХ КУЛЬТУР, РАСПРОСТРАНЯЕМЫЕ ЧЕРЕЗ СЕМЕНА. SCIENCE AND WORLD, 41.

SCIENCECENTRUM.PL ISSUE 3(36) PART 3 ISBN 978-83-949403-4-8

УДК 635.64:632.4

Омонова Н. М.
ассистент,
Эргашова Х. И.
ассистент,
Қодиров М. Д.
Талаба
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар инситути
(Андижон, Ўзбекистон)

ПОМИДОР ФИТОФТОРОЗИ

Аннотация: *Помидор ўсимлигининг фитофтороз касаллигига қарши ўисмликнинг ўсув даврида Гурзат н. кук. (0,3 фоизли ишчи эритма), Ридомил Голд 68% с.д.г.(0,4 фоиз), Фунгоцеб Плюс 68% с.д.г. (0,4 фоиз), Превикур SL, 722 с.э.к. (0,2 фоиз) Шавит Ф 72% с.э.г. (0,3 фоиз), Браво 50% сус.к. (0,3 фоиз) ваКвадрис 25% сус.к. (0,1 фоиз) фунгицидлари қўлланилган вариантларда юқоринатижалар олинган ва биологик самарадорлик 85,0% дан 92,6% гачани ташкил этган.*

Калит сўзлар: *помидор,фитофтороз, касаллик, замбуруғ, фунгицид, зарарланиш, касаллик ривожи, биологик самарадорлик.*

Омонова Н. М.
Ассистент,
Эргашова Х. И.
Ассистент, Кодиров М. Д.
Асистент
Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологии
(Андижан, Узбекистан)

ФИТОФТОРОЗ ПОМИДОРА

Аннотации: *В вегетационный период растения томата против фитофтороза Гурзат н. кук. (0,3% рабочий раствор), Ridomil Gold 68% с прим. (0,4%), Фунгоцеб Плюс плюс 68%. (0,4 процента), Previkur SL, 722 с.к. (0,2 процента) Shavit F 72%, например (0,3 процента), Браво 50% (0,3 процента) и Quadris 25%sus. (0,1 процента) в вариантах использованных с фунгицидами, были получены высокие результаты, а биологическая эффективность варьировалась от 85,0% до 92,6%.*

Ключевые слова: *томат, фитофтора, болезнь, гриб, фунгицид, вредитель, развитие болезни, биологическая эффективность.*

Асосий қисм

Помидор (*Lycopersicon esculentum* Mill.) Solanaceae оиласига мансуб бўлган муҳим сабзавот экинларидан биридир. Помидор Жанубий Америкада Перу, Эквадор ва

Боливия мамлакатларида келиб чиққан. Помидор таркибида инсон соғлиғини ҳимояловчи таъсирли ликопен моддаси борлиги учун кўп экилади ва умумий аҳамияти бўйича картошкадан кейин иккинчи ўринда туради [9]. Унинг таркибида ликопен, бета-каротин, фолат, флаваноидлар, калий, Е витамини ва С витамининининг катта миқдорлари мавжудлигидан ташқари, помидор озиқ-овқатларга хушбўй ранг ва маза беради [3; 14]. Помидор ошқозон безларидан шира чиқишига кўмак беради, қонни тозалайди ва ичаклар учун антисептик вазифасини бажаради. Помидор шўрваси ич қотиши (қабзият) учун яхши даво эканлиги хабар қилинган [10].

Помидор ҳосили миқдори ва сифатига кўп касалликлар салбий таъсир қилади. Улардaнмуҳимлари фитофтороз (*Phytopthora infestans*), альтернариоз (*Aternaria solani*) ва фузариоз вилт (*Fusarium oxysporum*) касалликларидир [8].

Фитофтороз помидор касалликларининг энг хавфлисидир. Бу касалликни *Phytopthora infestans* (Mont.) de Bary замбуруғи қўзғатади. Фитофтороз дунёнинг ҳам муътадил, ҳам тропик иқлимли мамлакатлари ва минтақаларида картошка ва помидорнинг энг хавфли касаллигидир [12].

Phytophthora туркуми турлари қўзғатадиган ўсимлик касалликлари маданий ўсимликлар ва табиий экотизимлар учун доимий ва хавфи борган сари ортиб бораётган таҳлика ҳисобланади. *Phytophthora* атамасининг сўзма-сўз таржимаси “ўсимликни вайрон қилувчи”, демакдир (*грек*. phyton ўсимлик, phthoros нобуд бўлиш, вайрон бўлиш, емирилиш). 19-асрда Ирландия Буюк Очарчилиги юзага келишининг сабабини – картошканинг фитофтороз касаллигини ва унинг қўзғатувчиси – *Ph. infestans* замбуруғини кашф этган буюк немис олими Антон де Бари туркумга ушбу номни берган. *Ph. infestans* ўша вақтда туркумнинг биринчи ва ягона тури эди, ҳозир эса унинг таркибига олимлар тан олган 100 тадан кўп тур киради. Кейинги 10 йил ичида деярли ҳар ойда туркумнинг битта янги тури кашф қилинди, натижада туркумнинг тан олинган турларининг сони шу давр ичида икки баравар кўпайди [6].

Фитофторознинг ривожланиши учун қулай шароитлар 12-20°С муътадил ҳарорат, барг намланиши давомийлиги 10 соатдан кўп бўлиши ҳисобланади; агар кечалари салқин бўлса, касаллик иқлими иссиқ мамлакатларда ҳам кўп учраши мумкин [13]. Юқори намлик, кечалари паст ҳарорат, енгил ёмғир ёғиши ёки кучли шудринг тушиши шароитларида, далада олдинги мавсумда итузумдош экин бўлганида ҳам фитофтороз кучли ривожланиши мумкинлиги таъкидланган [5].

Фитофтороз фақат барглар ва новдаларни эмас, балки меваларни ҳам зарарлайди. Зарарланган меваларнинг аксарияти бозорбоплигини йўқотади. Зарарланган мевалар устида яралар ва чиришлар учрайди, кучли зарарланганлари тўла қўнғир тус олади ва қисман ёки тўла чириб кетади [4]. Бу касаллик помидор ва картошка етиштириладиган дунёнинг деярли барча жойларида кенг тарқалган бўлиб, эпифотик шароитда картошканинг зарарланиши 10-30% ва ундан юқори, помидорда эса 100% га етади [1].

Помидор ўсимлигидан режадаги ҳосилни олишда ва уларни сифатли сақлаб қолишда юксак агротехник тадбирлар билан бир қаторда касаллик ва зараркунандаларга қарши самарали кураш чораларини қўллаш муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шунингдек, помидор ўсимлигининг фитофтороз касаллигига қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Фитофтороз касаллигига қарши турли фунгицидларнинг биологик самарадорлигини аниқлаш мақсадида 2019 йилда Андижон вилояти Асака тумани “Ҳасан-Хусан келажаги” фермер хўжалигида тажрибалар олиб борилди. Бунда кузатувлар далаларда икки марта – мевалар яшил ва қизил бўлган даврларида ўтказилди. Фунгицидлар 500 л/га ишчи эритма ҳисобида қўланилди.

Помидорнинг фитофтороз билан зарарланиши қуйидаги 6-баллик шкала бўйича ҳисобга олинди [11]:

0 – Касаллик белгилари йўқ;

1 – Зарарланган барг юзаси 20% гача;

2 –Зарарланган барг юзаси 21-40%;

3 – Зарарланган барг юзаси 41-60%;

4 – Зарарланган барг юзаси 61-80%;

5 – Зарарланган барг юзаси 80% дан кўп.

Касаллик ривожланиши қуйидаги формула бўйича ҳисобланди [7]:

$$Kp = \frac{\sum nv}{N \cdot G} \cdot 100$$

бу ерда:

Кр = касаллик ривожланиши;

∑ - сумма;

n – муайян баллга зарарланган барглар сони;

v – муайян балл;

N – ҳисобдаги баргларнинг сони;

G – шкаладагига максимал балл.

Фитофтороз касаллигига қарши қўлланилган фунгицидларнинг биологик самарадорлигини аниқлашда Ходжаев [2] услубидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари.

Тажрибаларда помидорнинг фитофтороз касаллигига қарши ўсимликнинг ўсув даврида Гурзатн. кук. (0,3 фоизли ишчи эритма), Ридомил Голд 68% с.д.г.(0,4 фоиз), Фунгоцеб Плюс 68% с.д.г. (0,4 фоиз), Превикур SL, 722 с.э.к. (0,2 фоиз) Шавит Ф 72% с.э.г. (0,3 фоиз) ва Браво 50% сус.к.(0,3 фоиз)фунгицидлари қўлланилди. Андоза сифатида Квадрис 25% сус.к.(0,1 фоиз) фунгициди танлаб олинди (1-жадвалга қаранг).

Олинган натижаларга кўра, назорат вариантда фузариоз касаллиги билан помидорнинг ТМК-22 нави 45,7% зарарланган бўлса, касалликнинг ривожланиши 24,7% гачани ташкил этди.

SCIENCECENTRUM.PL ISSUE 3(36) PART 3 ISBN 978-83-949403-4-8

Бу касалликка қарши андоза сифатида 0,1 фоизли ишчи эритмадаКвадрис 25% сус.к фунгицидиқўлланилган вариантларда биологик самарадорлик 88,0% гача етди. Зарарланиш 5,0% гача, касалликнинг ривожланиши эса 2,9% гачани ташкил этди.

1-жадвал

Фитофтороз касаллигига қарши қўлланилган фунгицидларнинг биологик самарадорлиги(ТМК-22 нави).

2019 йил

Т/р	Препаратлар номи	*Ишчи эритма қуюқлиги, %*	Зарарланиш, %	Касаллик ривожи, %	Биологик самарадорлик, %
1.	Назорат – (*кимёвий ишлов ўтказилмаган*)	-	45,7	24,5	-
2.	Гурзат н. кук. *(цимоксанил+мис хлорокиси)*	0,3	3,0	1,8	92,6
3.	Ридомил Голд 68% с.д.г. *(манкоцеб+металаксил)*	0,4	4,7	2,7	89,0
4.	Фунгоцеб Плюс 68% с.д.г. (*манкоцеб+металаксил*)	0,4	6,3	3,2	87,0
5.	Превикур SL, 722 с.э.к. *(пропамокарб гидрохлорид)*	0,2	7,0	3,5	85,7
6.	Шавит ф 72% с.э.г. (*фолпет+триадименол*)	0,3	7,0	3,7	85,0
7.	Браво 50% сус.к (*хлороталонил*)	0,3	6,7	3,4	86,1
8.	Квадрис 25% сус.к. (*азоксистробин*) *(андоза)*	0,1	5,0	2,9	88,0

Изоҳ: Ҳар бир вариантда ҳисобланган ўсимликлар сони 100 туп.

Фитофтороз касаллигига қарши 0,3 фоизли Гурзат н. кук. фунгициди қўлланилган вариантда энг юқори натижани кўрсатди. Зарарланиш 3,8% ни ташкил этган бўлса, касалликнинг ривожланиши 1,8% гача етди. Биологик самарадорлик 92,6% ни ташкил этди.

Қолган фунгицидлардан 0,4 фоизли Ридомил Голд, 0,4 фоизли Фунгоцеб Плюс, 0,2 фоизли Превикур SL, 0,3 фоизли Шавит Ф ва0,3 фоизли Браво фунгицидлари қўлланилган вариантларда биологик самарадорлик 85,0% дан 89,0% гачани ташкил этди. Зарарланиш 4,7% дан 7,0% гача,касалликнинг ривожланиши эса 2,7% дан 3,7% гача етди.

Хулоса қилиб аайтганда, помидор ўсимлигининг фузариоз касаллигига қарши ўсимликнинг ўсув даврида касаллик белгилари пайдо бўлиши билан Гурзат н. кук. (0,3 фоизли ишчи эритма), Ридомил Голд 68% с.д.г.(0,4 фоиз), Фунгоцеб Плюс 68% с.д.г. (0,4 фоиз), Превикур SL, 722 с.э.к. (0,2 фоиз) Шавит Ф 72% с.э.г. (0,3 фоиз), Браво 50% сус.к. (0,3 фоиз) ва Квадрис 25% сус.к. (0,1 фоиз) фунгицидларивегетация давомида 2-3 маротаба навбатма-навбат 500 л/га ишчи эритма ҳисобида кимёвий ишлов берилса, помидор ўсимлигидан олинадиган ҳосил касалликлардан сақлаб қолинади ва маҳсулотларнинг сифати ҳамда миқдори ортади.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Иванюк В. Г., Банадысев С.А., Журомский Г. К. Защита картофеля от болезней, вредителей и сорняков. - Минск, 2005. – С.696.
2. Ходжаев Ш.Т. Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар. – Тошкент, 2004. – Б.91-95.
3. Bose, K.S., Agrawal B.K. Effect of lycopene from cooked tomatoes on serum antioxidents enzymes, lipid peroxidation rate and lipid profile in cronary heart disease. - Singapore Medical Journal.- №48. - 2007. – pp. 415-420.
4. Chasti F., Bhat N.A., Rather R.A., Nisar M.U., Wani T.A. Severity of tomato late blight caused by *Phytophthora infestans* (Mont.) De Bary in Kashmir. Int. J. Curr. Microbiol. App. Sci.. – 2018, vol. 7, - №10. - pp.3036-3047.
5. Kirk, W., Wharton, P., Hammerschmidt, R., Abu-el Samen, F., Douches,D. Late blight. - Michigan State University Extension Bulletin, 2013. - № E-2945.- pp. 03-04.
6. Kroon L.P.N., Brouwer H., de Cock W.A.M., Govers F. The genus Phytophthora anno 2012. Phytopathology, 2012. vol. 102, - № 4. - pp.348-364.
7. Mabbett, T.H., Phelps, R.H. Effect of leaf growth in cucumber on deposit dilution and the control of angular leaf spot. - Tropical Pest Management 30: - 1984. – pp.444-449.
8. Niaka, S., De-Jude, J.l., De-Goffau, M., Hilmi, M., Van-Dam, B. Pest and disease. In: Cultivation of tomato (Ed. V. Barbara). -2005. - pp. 37-55.
9. Rana, M.K. Olericulture in india. Kalayani publishers. - New Delhi, 2008.- pp.43-99.
10. Sameera, S. On some aspects of plot technique in field experiments on tomato (Lycopersicon esculentum. Mill) in soils of Kashmir. M. Sc. Thesis, 2007. - pp. 1-2.
11. Sokhi, S.S., Thind, T.S., Dhillon, H.S. Late Blight of potato and tomato. Punjab Agricultural University - Ludhiana,1993. - pp.19.
12. Tsedaley, B. Late blight of potato (*Phytophthora infestans*) biology economic importance and its management approaches. Journal of Biology, Agriculture and Healthcare 4: -2014. – pp.215-225.
13. Vale, F.X.R., Zambolium, L., Paul, P.A. Controle de doencas de plantas pp. 173-207 In: Hortalicasvisconde do riobranco (Ed. H. Costa). Costa and paul Suprema Grafica e Editora, 2000. - p.23.
14. Willcox, J.K., Catignani, G.L., Lazarus, S. Tomatoes and cardiovascular health. Critical Reveiws in Food Science Nutrition 43: - 2003. – pp.1-18.
15. Омонова, Н. М. (2020). ВЛИЯНИЕ РАЗНОЙ ТЕМПЕРАТУРЫ ВОЗДУХА НА РОСТ ПАТОГЕННЫХ ГРИБОВ В ТОМАТАХ. Life Sciences and Agriculture, (2-3).
16. Раззаков, М. М., & Омонова, Н. М. (2019). ВИДОВОЙ СОСТАВ И АРЕАЛ РАСПРОСТРАНЕНИЯ ГРЫЗУНОВ СКЛАДСКИХ ПОМЕЩЕНИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ. Актуальные проблемы современной науки, (6), 79-82.

17. Омонова, Н. М., Абдуллаева, Х. З., & Гофурова, Ю. К. (2019). ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРИМЕНЕНИЯ ФУНГИЦИДОВ ПРОТИВ ГРИБКОВЫХ БОЛЕЗНЕЙ ТОМАТА. In ПРОРЫВНЫЕ НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ КАК ДВИГАТЕЛЬ НАУКИ (pp. 91-94).
18. Жураев, А. А., Камбарова, М. А., & Омонова, Н. М. (2016). ПРИМЕНЕНИЕ РЕГУЛЯТОРА РОСТА И РАЗВИТИЯ ЗЕРЕБРО АГРО В ВЫРАЩИВАНИИ ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ. Современные тенденции развития науки и технологий, (5-1), 53-56.
19. Омонова, Н. М. (2013). ПРИМЕНЕНИЕ ФУНГИЦИДОВ ПРОТИВ ГРИБКОВЫХ БОЛЕЗНЕЙ ТОМАТА. SCIENCE AND WORLD, 54.
20. Omonova, N. M. (2020). THE EFFECT OF DIFFERENT AIR TEMPERATURES ON THE GROWTH OF PATHOGENIC FUNGI IN TOMATOES. In Фундаментальные и прикладные научные исследования: актуальные вопросы, достижения и инновации (pp. 90-93).
21. Omonova, N. M., & Mukhtazar, K. (2019). Methods of fight against temperature diseases in natural damages. Indonesian Journal of Innovation Studies, 8.
22. MAHMUDJONOVNA, O. N., & MUHAMMADIYEVICH, B. F. Protection of Tomatoes From Phytophthora. JournalNX, 6(12), 384-389.

SECTION: CHEMISTRY

Aripova Kamola Oybekovna
1-year master's degree Namangan Institute of Engineering and Technology,
Dehkanov Zulfikaxar Kirgizbayevich
Namangan Institute of Engineering and Technology
Doctor of Sciences (DSc)
(Namangan, Uzbekistan)

TECHNOLOGIES OF NITROGEN ACID ENHANCEMENT OF PHOSPHORITES WITH THE PARTICIPATION OF ETHANOL

Abstract. *The enrichment of phosphorites of Central Kyzilkum containing big amount of carbonates with nitric acid allows to obtain phosphorite's concentrates applicable for sulfuric acid extraction. The optimum parameters of that process applied to phosphorite flour, mineralised mass and washed and dried phosphorite's concentrate of Cental Kyzilkum`s phosphorites were offered.*

Keywords: *phosphoconcentrate, ethanol, nitric acid, mineralized mass, decarbonization, calcium nitrate.*

INTRODUCTION

At present, the world the special attention is given to the development of new methods of low-grade benefication, in research carried out in this regard, nitric acid and organic solvents on the basis of high-quality phosphate concentrate production technology is one of the most important tasks. When development low-grade phosphorite benefication by nitric acid in presence of organic solvents, should be based a number, including relevant scientific solutions in the following areas: development of effective ways of chemical benefication of raw phosphate; finding optimal condition process of leaching calcium nitrate, formed during the benefication of high calcareous phosphorite by nitric acid in presence of organic solvents; development of phosphoric fertilizer technology based on quality chemical benefication of phosphorite concentrate. Thesis topic is explained by the implementation of the scientific research in this area.

The level of knowledge of the problem. In scientific literature, there are materials on flotation and chemical enrichment of the CK phosphorite (Nabiyev M.N., Boyko V.S., Karmyshev V.F., Amirova A.M., Madalieva S.H., Pyagay A.G., Namazov Sh.S., Beglov B.M.). However, Kyzylkum phosphorite, along with a high degree of carbonation characterized by thin intergrowth of phosphate mineral with calcite, so some attempts to enrich them with the flotation have not led to positive results. Numerous attempts have been made to enrich Kyzylkum phosphate raw by chemical techniques using dilute solutions of nitric acid and hydrochloric acid, solutions of calcium nitrate and magnesium nitrate, allowing to increase the content of P_2O_5 in the phosphate concentrate, as well as simultaneous reducing calcium modulus to the desired value. Their main drawback is the strong foaming, a large amount of dilute solutions formation and P_2O_5 losses with them as a 100% extraction selectivity of carbonates can not be achieved.

It is presented that interest the use of dilute solutions of organic acids such as formic and acetic acid as a solvent of calcium oxide from thermo concentrate and carbonates of phosphate raw materials of the CK, which hardly decompose phosphate mineral of raw materials (Namazov Sh.S., Beglov B.M., Seytnazarov A.R.). However, acetic and formic acid is produced in our in small capacity, and they are clearly not enough for large-scale production of phosphate concentrate. Second, there is the formation of large volumes of dilute solutions of acetate and calcium formate, which must somehow recycle. In addition, organic acids are very expensive.

In our conditions, the most realistic way of chemical processing of phosphate rock of the CK is the use of nitric acid followed by leaching calcium nitrate with an organic solvent - ethanol. The peculiarity of this method is simplicity of regeneration scheme of the consumable reagent - ethanol and returning it into the production cycle, thereby obtaining concentrated calcium nitrate solution is easily processed into the desired product. To prevent loss of P_2O_5 in the liquid phase prior to separation of the pulp is neutralized with ammonia; resulting soluble phosphorus transfers into dicalcium phosphate that remains in the phosphoconcentrate. The main selection criteria of HNO_3 as a reagent are: accessibility, availability of cheap raw materials base and the direct demands for calcium nitrate in agriculture. In the literature there is no information on enrichment carbonate phosphate with nitric acid, followed by leaching of calcium nitrate with ethanol.

“**The enrichment of phosphate raw materials**” of the thesis describes methods of flotation, thermal and chemical benefication of phosphate raw materials of various kinds. The characteristic of the Central Kyzylkum phosphorite and alternative thermal processes for their enrichment are given. The purpose and objectives of the present work were formulated analyzing complex research on the enrichment of phosphate raw materials.

The second chapter «**Studies of the process of extraction of calcium nitrate and ammonium nitrate from nitrogen-calcium-phosphate slurry produced during nitric acid enrichment of high calcareous phosphorite in the presence of ethanol»** of the thesis refers to the study of chemical benefication of phosphorite of CK. To leach carbonates from phosphorite CK 57.87% of HNO_3 and technical ethyl alcohol (EA) containing 96% concentration were used. To enrich the CK phosphorite were taken different brands (phosphorite flour - OPF three grades and mineralized mass - MM, waste production of WCPC on KPC). Their characteristics are summarized in Table. 1.

The norm of HNO_3 was taken based on decomposition of CaO in the phosphate raw (PR). The main raw materials in phosphate raw are fluorine-carbonate-apatite and calcium carbonate. When treatment with nitric acid the following reactions:

$$CaCO_3 + 2HNO_3 \rightarrow Ca(NO_3)_2 + H_2O + CO_2$$
$$Ca_5F(PO_4)_3 + 10HNO_3 \rightarrow 3H_3PO_4 + 5Ca(NO_3)_2 + HF$$

Table 1

Initial phosphate raw characteristic

Samples number	Type of phosphor-orite	Содержание компонентов, вес. %			$P_2O_{5acc.}$: $P_2O_{5tot.}$ by citric acid, %	CaO: P_2O_5
		$P_2O_{5tot.}$	$CaO_{tot.}$	CO_2		
1	OPF	16.60	47.13	17.23	10.20	2.84
2	OPF	17.52	47.53	15.23	17.68	2.71
3	OPF	18.70	47.80	15.30	18.49	2.56
4	MM	15.06	44.27	14.11	9.10	2.94

If the amount of nitric acid is less than Stoichiometric one, the reaction takes place as follow:

$$2Ca_5F(PO_4)_3 + 14HNO_3 \rightarrow 3Ca(H_2PO_4)_2 + 7Ca(NO_3)_2 + 2HF$$

In order to prevent loss of P_2O_5 in the liquid phase, before the divide nitrogen-calcium-phosphate alcoholic suspension (NCPA) into liquid and solid phases, it is proposed the suspension ammoniated with ammonia to pH = 3. The ammoniation process interaction between the calcium nitrate and calcium monophosphate with NH_3 is occurred, thereby it is formed that dicalcium phosphate and ammonium nitrate by the reaction:

$$Ca(H_2PO_4)_2 + Ca(NO_3)_2 + 2NH_3 = 2CaHPO_4 + 2NH_4NO_3$$

Thus, generated $CaHPO_4$ precipitates and the result all phosphorus remains in the phosphoconcentrate. It is appeared that possibility to use for enriching much higher norm of HNO_3 and thereby significantly reduce the value of the unit of calcium modulus in the phosphate materials. The lower CaO: P_2O_5 in the enriched phosphorite, the smaller required sulfuric acid reagent during its extraction and the smaller the amount of phosphogypsum is threw out into the spoil.

On the basis of the solubility diagrams 4 fourfold component system of $Ca(NO_3)_2$ - NH_4NO_3 - C_2H_5OH - H_2O, consisting of 3 triple: $Ca(NO_3)_2$ - C_2H_5OH - H_2O; NH_4NO_3 - C_2H_5OH - H_2O; $Ca(NO_3)_2$ - NH_4NO_3 - H_2O and 3 triple binary systems of $Ca(NO_3)_2$ - H_2O; NH_4NO_3 - H_2O and C_2H_5OH - H_2O, was explained by the process of extraction of calcium nitrate and ammonium nitrate from nitrogen-calcium phosphate slurry produced during nitric acid benefication of high calcareous phosphorite of CK by ethanol in a wide temperature and concentration range (Figure 1.).

In polytermic charts of solubility can be concluded that the components of these systems have a salting-out effect on each other. In the studied temperature and concentration intervals of novel chemical compounds systems are not formed, the system includes a simple evtonic type. On the basis of the results identified the main technological parameters of the process of enrichment of carbonate containing phosphorite of CK by nitric acid followed by leaching calcium nitrate from nitrogen-calcium phosphate slurry by ethyl alcohol.

Based on the found technological parameters investigated the process nitric acid benefication of phosphorite from CK in the presence of EA. Norm of the acid was ranged from 30-60% stoichiometry on decomposition of CaO in the raw material. However, because different phosphate raw CO_2 content differs from each other and the norm of nitric acid on decomposition of $CaCO_3$ in the raw material (at the same norm for acid decomposition of CaO in the raw material) for each raw material differ from each other. Treatment of PR by nitric acid was carried out for 20-30 min. The temperature of the reaction mass is 40°C. After the decomposition of phosphate rock with nitric acid obtained nitrogen-calcium-phosphate slurry is of viscous consistency. The pulp was repulped by EA at various weight ratios of PR: EA = 1: (3 ÷ 10) and stirred for 3-4 minutes after which the contents were separated into liquid and solid phases by filtration under vacuum. Then moist phosphoconcentrate was washed clean EA at a ratio of PR: EA = 1: 2. Wet cake dried at 100°C. The dried cake and the filtrate was subjected to chemical analysis by well known techniques.

Phosphate raw materials, suitable to obtain from it WPA by sulfuric acid extraction, should be met the following requirements: P_2O_5 content not less than 24.5%, CO_2 no higher than 8%, and the value of the of calcium module (CaO: P_2O_5) not more 1.6. In view of economy acid consumption, its optimum norm for enrichment process can be considered OPF 50% and the weight ratio of PR: EA = 1: 5. For example, when enrichment OPF containing 17.52% P_2O_5; 47.53% CaO; 15.23% CO_2 and CaO: P_2O_5 = 2.70 (sample 3) with a 50% norm of HNO_3, pH 3 of nitrogen-calcium-phosphate slurry and weight ratio of PR: EA equal to 1: 5 obtained concentrate composition (wt.%): $P_2O_{5tot.}$ 26.20; $CaO_{tot.}$ 38.25; CO_2 2.80 and CaO: P_2O_5 = 1.46 (Table 2.). The yield of P_2O_5 in the concentrate is 100%. As the value of calcium module it is close to the best phosphate raw materials as Khibiny apatite concentrate (1.32). The liquid phase of slurry is a solution of calcium nitrate and EA with a small amount of ammonium nitrate. The alcohol is easily distilled and returned to the process cycle. After distilling off the alcohol obtained concentrated nitrogen-ammonium-calcium solution (NACS) containing 50% $Ca(NO_3)_2$ and 3% NH_4NO_3.

On a basis of found optimal parameters of the enrichment process, we tried to apply for the enrichment of the OPF and two other types of MM, the compositions of which are given in the Table. 1. HNO_3 norm for MM is 60% from stoichiometry on the leach CaO.

Table 2

Chemical composition of concentrates from phosphorite of CK

Type of phosphate raw material	$P_2O_{5tot.}$content In the initial raw, %	Norm of HNO_3 for CaO in raw of stoichiometry, %	Components content, wt. %			$P_2O_{5acc.}$: P_2O_{5tot}	CaO: P_2O_5
			$P_2O_{5tot.}$	$CaO_{tot.}$	CO_2		
OPF	16.60	50	24.66	38.47	3.52	57.95	1.54
OPF	17.52	50	26.20	38.25	2.80	59.88	1.46
OPF	18.70	50	26.83	39.73	2.91	64.85	1.48
MM	15.06	60	24.21	35.97	2.07	58.44	1.48

Enrichment results are summarized in Table. 2. From this it can be seen that the enrichment of different types of phosphate rock by nitric acid concentrates obtained on the composition, which is different. For example, of the OPF with the content of 16.60% P_2O_5, 17.23% CO_2 and CaO: P_2O_5 = 2.84 (sample 1) obtained concentrate, which has 24.66% of P_2O_5 and CaO: P_2O_5 = 1.54. From the third OPF sample containing 18.7% of P_2O_5 and CaO: P_2O_5 =

2.60 obtained concentrate that has 26.85% of P_2O_5 and CaO: P_2O_5 = 1.59. MM (sample 4) with the content of 15.06% P_2O_5, 14.11% CO_2 and CaO: P_2O_5 = 2.94 converted into an enriched raw material with CaO: P_2O_5 = 1.48 and is quite suitable for sulfuric acid extraction.

However, P_2O_5 content increased in it from 15.06% to 24.21%. The rheological properties of ammoniated nitrogen-calcium-phosphate alcoholic slurry and the process of its separation into liquid and solid phases were studied. The positive effect on the separation of pulp can be achieved by filtering belt vacuum filter that effectively applied on KPC when washing microgranular phosphorite flour.

CONCLUSION

Solubility diagram 4 fourfold component system of $Ca(NO_3)_2$ - NH_4NO_3 - C_2H_5OH - H_2O has been studied, consisting of 3-triple: $Ca(NO_3)_2$ - C_2H_5OH - H_2O; NH_4NO_3 - C_2H_5OH - H_2O; $Ca(NO_3)_2$ - NH_4NO_3 - H_2O and 3 triple binary systems of $Ca(NO_3)_2$ - H_2O; NH_4NO_3 - H_2O and C_2H_5OH - H_2O, justifying the process of extraction of calcium nitrate and ammonium nitrate from nitrogen-calcium- phosphate slurry produced during nitric acid enrichment of phosphorite CK by ethanol in a wide temperature and concentration range. Diagram allows to define the range of variation of technological parameters of the extraction process based on CaO: P_2O_5 phosphate raw materials and the conditions of its nitric acid decomposition.

The process of enrichment of various kinds of carbonate phosphorite from CK in HNO_3 at a norm of 30 to 60% of the stoichiometry on the decomposition of CaO in the raw material and a weight ratio of PR: EA = 1: (3-10). The overall picture of the results of enrichment of different types of phosphate rock in HNO_3 is similar. Thus, the enrichment of relatively high concentrated OPF with the content (wt.%) P_2O_5 18.70; CaO 47.8; CO_2 15.3; SO_3 2.05 and CaO: P_2O_5 = 2.56 at a norm of HNO_3 is 40% on the decomposition of CaO (100% for $CaCO_3$) and the ratio of PR: EA = 1: 5 is obtained phosphorite concentrate containing 26.19% of P_2O_5, and calcium module 1.52. This concentrate is quite suitable for the production of concentrated phosphate fertilizers. To prevent the transition of P_2O_5 into a liquid phase before divide nitrogen-calcium-phosphate alcoholic suspension (NCPAS) into liquid and solid phases, it was ammoniated to pH = 3. And for MM acceptable norm is of 60%. So, when RPF enrichment, containing 17.52% of P_2O_5; 47.53% of CaO; 15.23% of CO_2 and CaO: P_2O_5 = 2.71 with a 50% norm of HNO_3, pH of the slurry and the ratio of PR 3: EA = 1: 5 obtained concentrate composition (wt.%): $P_2O_{5tot.}$ - 26.20; $CaO_{tot.}$ - 38.25; CO_2 - 2.80; CaO: P_2O_5 = 1.46. The yield of P_2O_5 in the concentrate is 100%

REFERENCES:

1. Хошимханова М.А., Исмоилова Г.И., Дехканов З.К., Арипов Х.Ш. Исследование физико-химических свойств аммонизированной нитро-кальций фосфатной спиртовой пульпы // Universum: Химия и биология.-2020. - № 4(70). - С. 25-28.
2. Турсунбоев Ф., Саодатов А.А., Дехканов З.К. Теоретический анализ регенерации спирта из нитратно-аммо-нийнокальциевого раствора с применением диаграммы растворимости четырехкомпонентной системы $Ca(NO_3)_2$-NH_4NO_3-C_2H_5OH-H_2O при 70°C // Universum: Химия и биология. -2019. - № 1(55). - С. 23-26.

3. С. Зокиров, З. Дехканов, Х. Арипов, Д. Шеркузиев. Исследование процесса азотно-кислотного разложения фосфоритов Центрального Кызылкума // Universum: технические науки Выпуск: 12(81), декабр 2020. ст. 45-49.
4. Хошимханова М.А., Дехканов З.К. Политерма растворимости систем NH_4NO_3 - C_2H_5OH - H_2O // Universum: технические науки Выпуск: 2(83), декабр 2021. ст. 67-71.

Daminov Lazizbek Olimovich
assistant,
Norqulov Fayoz Erkin ugli,
Narzullayev Lazizbek Azizbek ugli
Students
Karshi Engineering Institute of Economics
(Karshi, Uzbekistan)

TECHNOLOGICAL BASIS FOR PRODUCING CAST BIMETAL COMPOSITIONS OF MOLYBDENUM ALLOYS - FOUNDRIES OF STRUCTURAL STEELS

First, students have the opportunity to choose the form of work, its pace, and as a result, their motivation increases. **Secondly,** the training becomes more individualized, i.e. aimed at each student. **Third,** you can use active forms of learning, thereby making learning more effective. When using forms distance learning of foreign languages can make the educational process more accessible and cost-effective, and the assessment of learning outcomes more objective. Students have the right to choose their own time and place for classes. This is especially true for students with disabilities. In addition, distance learning provides an opportunity for intensive communication between students and the teacher, students with each other, as well as with partners from other countries [2, p. 128].

With the help of technology remote interaction can diversify the options for

conducting classes, using not only traditional teaching methods, but also to activate creative thinking, using project activities. After all, by creating remote projects, we make education more open, going beyond the walls of the university or at home. With all the advantages of using distance learning in the preparation of a course in a remote format, there are some problems. A clear understanding is required from the teacher about the course, its goals and objectives. They should also think about the structure, content, design of the course, how to interact with students, and the structure of the knowledge assessment. The process of preparing such courses requires certain technical skills, painstaking work on creating a course template. This work is different from the traditional one, and if you transfer the content of the textbook mechanically or a test in a remote form, then we will get, as a rule, a negative result, and students will gain a negative experience that in no case will it contribute to their motivation to learn foreign languages. Therefore, it is necessary to approach the creation of distance courses, tests, or just tasks with great responsibility and think through each step.

Thus, despite all the difficulties, distance education is becoming more and more popular, teachers are more and more often use either its separate forms, or completely switch to It is aimed at effective, interesting and attractive training. foreign languages. But it is worth remembering that such training will be really effective only if foreign language teachers pay

SCIENCECENTRUM.PL ISSUE 3(36) PART 3 ISBN 978-83-949403-4-8

special attention to the development of students 'creative interaction abilities and the integration of students' knowledge in their professional activities.

REFERENCES:

1. Dmitrieva, E. I. Didactic possibilities of computer telecommunications networks for teaching foreign languages / E. I. Dmitrieva // Foreign languages at school. - 1997. - No. 2. - p. 22-27.
2. Demkin, V. Features of distance learning in foreign languagesV. Demkin, E. Gulbinskaya / / Higher education of Russia. -2001. - No. 1. - p. 127-129.51
3. Polat, E. S. Organization of distance learning in a foreign language language based on computer telecommunications / / Distance education. – 1998. – № 1. – URL&:

SCIENCECENTRUM.PL ISSUE 3(36) PART 3 ISBN 978-83-949403-4-8

Eshpulatova Saodat Maxmatovna
Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat
o'zbek tili va adabiyoti universiteti akademik litseyi o'qituvchisi
(Tashkent, Uzbekistan)

TUYG'ULAR TASVIRI

Annotatsiya: *Ushbu maqolada Vatan mustaqilligini, xalq dardi va baxtini kuylagan, tarixni kechagiday ko'z oldimizda o'zining maftunkor misralari bilan jonlantira olgan shoir Abdulla Oripov she'riyatining mazmuni va uning xalqchilligi haqida so'z boradi. Unda yosh avlodga tarbiya masalalari yoritilgan she'rlari ham tahlil qilingan.*

Kalit so'zlar: *najot, haqiqat yog'dusi, dildoshlik, ezgulik, sof tuyg'u, istiqlol.*

Эшпулатова Саодат Махматовна
Преподаватель академического лицея
Ташкентского государственного
университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои
(Ташкент, Узбекистан)

ОБРАЗ ЭМОЦИЙ

Аннотация: *В этой статье рассказывается о содержании и народности поэзии Абдуллы Арипова, поэта, воспевшего независимость Родины, боль и счастье народа, сумевшего оживить историю, как вчера, своими очаровательными границами. Его стихи, посвященные вопросам воспитания подрастающего поколения, также были проанализированы.*

Ключевые слова: *спасение, луч истины, дилемма, доброта, чистое чувство, независимость.*

Eshpulatova Saodat Makhmatovna
Teacher of academic Lyceum of Tashkent State
University of Uzbek language and Literature named after Alisher Navoi
(Tashkent, Uzbekistan)

IMAGE OF EMOTIONS

Annotation: *This article tells about the content and nationality of the poetry of Abdulla Aripov, a poet who sang of the independence of the Motherland, the pain and happiness of the people, who managed to revive history, as yesterday, with his charming borders. His poems devoted to the education of the younger generation were also analyzed.*

Keywords: *salvation, ray of truth, dilemma, kindness, pure feeling, independence.*

O‘zbekiston sha’niga she’r, qasida, doston yozib, Vatan madhini kuylamagan shoir bo‘lmasa kerak. Shoir xalqi borki, Ona yerini, xalqini, tug‘ilib o‘sgan makoni-yu, tunlari uxlamay unga alla aytib chiqqan mehribon Onasiga madhiyalar aytadi. Hech qanday mubolag‘asiz aytish mumkinki, ana shu madhiya butun xalqning xotirasiga singishib ketadi. Serquyosh o‘lkasini, uning betakror go‘zalligi-yu, xalqiga baxt, najot olib kelishini,uning nomi tillarda doston bo‘lishini, butun yer yuzi bo‘ylab shuhrat topishini kuylagan shoir Abdulla Oripov o‘z davrida milliy adabiyotimiz, xalqimiz dilidan va tilidan o‘ziga xos o‘rin egalladi. Vaholanki, o‘z davrining barcha taniqli ijodkorlari, olimlari, yozuvchilari, san’atkorlari uning ijodiga befarq bo‘lishmadi. O‘tgan asrning ikkinchi yarmida milliy so`z san’ati olamiga yuksakliklarni zabt etishga intilgan yulduzdek porlab, Abdulla Qahhor ta’biricha, “yozuvchilikka cho‘g‘day yonib kirgan”, balqar shoiri Qaysin Quliyev “uning paydo bo‘lishi she’riyatimizda bayramdir”[25] deya ta’riflagan haqiqat yog‘dularini nazmga jo qilgan, har qanday adolatsizliklarga qarshi “o‘t ochgan” yosh shoir kirib keldi.

She’riyatni onaga qiyoslagan va chindan ham ijodga fidoyi farzand bo‘lgan Abdulla Oripovning she’ri kirib bormagan birorta xonadon O‘zbekistonda topilmasa kerak. Faqat birgina emas, minglab, millionlab qalblarning ruhiga uning she’riyati singib bordi. Shoirning xalqqa, xalqning esa shoirga bu qadar dildoshligi va sirdoshligi, o‘ziga xosligi nimada?

“Abdullaning she’rlari boshqa shoirlarning she’rlaridan farq qilmaydi. Hamma shoir kabi muqaddas mavzular - Vatan, Ona Yer, Xalq, oq sut bergan Ona, Muhabbat kabilarni Abdulla ham qalamga oladi. Ona yerga, uning o‘tmishi va kelajagiga nazar tashlaydi. O‘z xalqiga tasannolar aytadi. Oq sut bergan Ona mehriga madhiyalar o‘qiydi. U visolni kuylaydi, muhabbat hajridan noliydi…Tug‘ilib o‘sgan joyidan go‘zallik axtaradi…”[26]

Abdulla Oripov she’riyatining o‘ziga xos xususiyatlaridan biri uning xalqonaligida - xalq tilida yozilganligida. Shoir – qalb tarjimoni, tarjima uchun esa, shubhasiz, so‘z kerak. Bu sehrli so‘z esa xalq qalbidan chiqmog‘i lozim. Shoir xalq so‘zi bilan xalq qalbini kuylay oladi, kuylaganda ham dilrabo ohang bilan o‘rtanib, yonib kuylaydi.

Kulma, kulma, nega kulasan,
Xijolat chekkanning holiga.
Nega qo‘l uzatding bir kambag‘alning
O‘g‘rilardan qolgan moliga[27].

“O‘g‘rilardan qolgan mol” – xalq tilidagi oddiy ibora, lekin shoir tiliga ko‘chganda bu ibora inson qalbining tafakkuri rivojlanib borgani sayin kamyoblanib borayotgan ezgu tuyg‘ulari ekanligini shunday ta’sirchan ifodalaydiki, beixtiyor, odamning qalbi titraydi.

Kolumbda bor alamim manim,O‘zbekiston Vatanim manim[28].

Shoir kuylagan bu “alam” – xalqning buyuk armoni, dardi, g‘ururi ekanligini xalq qalbida tarjima qilgan. Bu misralarni o‘qigan har bir she’rxon bu “alam”ni o‘z qalbida tuyadi. Taajjubki, bu “alam”dan ko‘ksi tog‘dek ko‘tariladi.

---

[25]Sh. Sariyev. Adabiyot fanidan o`quv –majmua.”Sharq”nashriyoti.T., - 2014. 293-bet
[26] M. Qo`shjonov. Ijod saboqlari.”Yosh gvardiya” nashriyoti. T., - 1973. 147-bet
[27] Oripov A. Yillar armoni. T.-1983-y. 33-bet
[28] Oripov A. Yillar armoni. T.-1983-y. 223-bet

Minorlar emas bu- falakka qasam,
Qasoskor bobolar ketmishlar sanchib.
Men tortgan g‘amni ham bir-bir sanasam,
O‘lik fir’avnlar ketarlar sapchib.

Bu – o‘zligini anglagan o‘zbekning o‘ktam ovozi, shoir qalbining nidosi.

Dardchil va tirik bu satrlarni tashbeh tizimchasidagi durlarday tizganida, butun boshli bir xalq va uning kechmishi, chekkan kulfat va alamlari, armon-u hasratlari haqida shunchalar hazin, shunchalar teran tasavvur tug‘dirganida Abdulla atigi yigirma besh – yigirma olti yoshlarda edi. Uning odatdan tashqari sifatlashlari har bir tashbehiga abadiyat muhriday singib ketgan.[29]

Abdulla Oripov o‘tgan asrning oltmishinchi yillarida she’riyat maydoniga kirib keldi. U adolatsizlikka qarshi o‘t ochgan yosh shoir sifatida paydo bo‘ldi. Uning ijodiga salbiy munosabatlar bildirildi. Lekin 1965- yilda Abdulla Qahhor o‘zining “Talant –xalq mulki” maqolasida Abdulla Oripovni himoya qilib chiqqanini munaqqid Norboy Xudoyberganov shunday izohlaydi: ”...Abdulla Oripovning xaloskori sifatida maydonga otilib chiqqanligi o‘ziga xos jasorat bo‘ldi. Maqola ilk bor O‘zbekistonda emas, balki Moskvada “Literaturnaya gazeta”da bosilib chiqarilishi milliy ijodkorlarimiz hayotidagi tarixiy voqea bo‘lib qoldi....O‘sha maqolaning qay darjada hal qiluvchi ahamiyat kasb etganligini anglash uchun quyidagi matn parchasini ko‘zdan kechiraylik: “Abdulla Oripov “Temir odam” degan she’rida murakkab texnika siridan voqif bo‘lgan, lekin insonning quvonchi, g‘am-g‘ussasiga kelganda qulog‘i kar, tili lol bo`lgan, yig‘lagan go‘dakning boshini silolmaydigan, onaga taskin-tasalli berolmaydigan odamlarga ta’na toshini otadi” [A. Qahhor.Asarlar.6-jild. Toshkent, 1971, 407-bet][30].

Abdulla Oripov ijodini peshqadam munaqqidlardan Ozod Sharafiddinov, Matyoqub Qo‘shjonov, Umarali Normatov va Norboy Xudoyberganovlar ham kuzatishgan, she’rlarini tahlil qilishgan, o‘z o‘rnida bahosini berishgan. Hatto, o‘sha davrlarda davlat rahbari bo‘lgan Sharof Rashidov ham shoir ijodiga befarq bo‘lmaganini munaqqid Norboy Xudoyberganov shunday e’tirof etadi: “...Bunga rahmatli Sharof Rashidov ham befarq qaramaganlar. Jumladan, shaxsan o‘zim bilan bir qancha muloqotlarida: ”Sizning ko‘pgina maqolalaringiz, ayniqsa, “Literaturnaya gazeta”, “Drujba narodov”,”Voprosi literaturi” kabi Moskva matbuotidagi chiqishlaringizda asosan uch Abdullani - Qodiriy bilan Qahhorni, Oripovlarni qo‘llab-quvvatlaganingiz, o‘zgalarga esa ko‘proq tanqidiy nuqtayi nazardan yondashayotganingiz biryoqlamalik emasmi?”- deya tanbeh berganday bo‘lganlari xotiramda bir umr muhrlanib qoldi...”[31]

Adabiyotshunis olim, munaqqid Norboy Xudoyberganov Abdulla Oripov ijodini kuzatar ekan, uning ijodiga xolis baho beradi. Bo‘sh, sayoz yozilgan sher’rning sayozligini, kishi qalbini titratadigan she’rlarining mazmunini yuqori baholaydi. Va shu o‘rinda “Savob”, “Nozim Hikmat”, “Xayrlashuv” kabi she’rlaridan misralar keltirib ta’riflaydi. “Xo‘sh, Abdulla Oripovning ikkita she’ri bilan (“Bog‘bon” va “Bizning she’r” deb nomlangan she’rlari haqida fikr

[29] A.Oripov. Munojot. Saylanma.G‘afur G‘ulom nomidagi adabiyot va san’atnashriyoti. T., 1992-y. 6-bet.
[30] Xudoyberganov N. Badiiy tahlil sehri.Toshkent – 2008. 64-bet
[31] O`sha manba.66-67-betlar.

bildirilgan – ta'kid bizniki. S.E.) Abdulla Oripov ijodida oʻpirilish roʻy berdi, deyish mumkinmi? Tabiiyki, mumkin emas. Axir, "Olomonga", "Savob", "Xayrlashuv", "Nozim Hikmat" singari yetuk she'rlarni yaratgan shoir ijodida qanday oʻpirilish boʻlishi mumkin? "Chorasiz bir inson uchragan damda unsiz soʻrogʻiga qildingmi javob? Ayt-chi, bilarmisan, yorugʻ olamda bularning barchasi atalgay savob"("Savob"), deb bong urgan yoki "Lekin bu ulugʻ dunyoda urfini sotganlar ozmi? Lekin bu ulugʻ dunyoda tilini sotganlar ozmi? Olam bozorida sira kiprik qoqmay, yurtini, elini sotganlar ozmi?" ("Nozim Hikmat"), deya turk xalqining ulugʻ shoiri va sodiq farzandini chin qalbdan ehtirosli misralarda muborakbod etgan yoxud "Oltin bolaliging oʻtgan tuproqda nahot topilmadi senga bir madad? Nahot onang ruhi qolmish yiroqda? Nahot boblaring qoʻllamas, minba'd"("Xayrlashuv"), deb hayotning har bir lahzasini qadrlashga chaqirgan, oʻz quvonchlari, gʻam-alamlarini baham koʻrishga tayyor turgan bedor, ziyrak, hujumkor qalb egasiga bizning hurmatimiz, uhabbatimiz cheksizdir. Abdulla Oripov ana shunday qalb egasi".[32]

Ona Vatan - Abdulla Oripov she'riyatining bosh mavzusi. Vatanni bu qadar jondan sevish, shu sevgiga munosib tarzda sharaflash mumkinligini boshqa shoir ijodida uchratmaysiz. Uning muhabbati qanchalik buyuk boʻlsa, nafrati ham undan kam emas.

Yetimlar haqidan qoʻrqmasa birov,
Soʻqmoqqa aylanib ketsalar yoʻllar.
Qiblagohlar osiy, tugʻishganlar yov,
Gʻaznalarga choʻzilsa qoʻllar.
Bolalar ruhiga hayot degan dars
Manmanlik urugʻin joylasa;
Oshiqlar koʻchada ma'shuqasini emas,
Kimningdir yoʻlini poylasa...

Shoir bu she'rida yuragini qiynoqqa solgan iztirobni kuyladi, shafqatsiz hayot haqiqatini misralarga jo etdi, xalqini qiynab kelayotgan azoblarni tiliga chiqardi, qogʻozga muhrladi.

Shoirning "Yuzma-yuz" she'rida oʻzi pishirib, taomidan benasib boʻlgan, birovlarni kiyintirib, oʻzi kiymagan, yulduzlarni kashf etganiga qaramay, oʻzgalar tomonidan "avom" degan nom olgan xalqning murakkab va ziddiyatli tarixi, taqdiri aks ettirilgan. Shoir asarni dunyodagi barcha kulfatlar, adashishlar hamjihatlikning buzilishidan, deya ta'kidlagan. She'rdan parcha keltiramiz:

Koʻzimga ba'zida koʻrinsa janda,
Koʻnglim toʻlib ketar, ingrayman, xalqim.
Xalqim, moziy oʻtdi tole koʻrmading,
Pishirding oʻzingga benasib taom.
Kiygizding birovga, oʻzing kiymading,
Yulduzni kashf etib nom olding avom...

---

[32] Xudoyberganov N. Haqiqat yogʻdulari. Gʻafur Gʻulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti. T.-1985. 49-bet

Shoir tarix mavzusini ham chetlab oʻtmadi. Zotan, tarix sahni – bu million-million erksevarlarning oʻz haq-huquqlarini poydor etish uchun, Vatan mustaqilligi uchun muttasil janglar kechgan kurash maydonidir.

Buyuk sarkarda Amir Temur: “Men hayotim mobaynida besh narsaga qat’iy e’tiqod qoʻydim va hamishaligʻ ularga amal qildim. Alloh, tafakkur, qilich, iymon, kitob. Allon – ul har narsaga qodir kuch, sidqidildan sigʻinsang, istagan murod-maqsadingga yetkazadi”,- deydi.

Abdulla Oripovning tarixiy siymolar orasida eng e’tiqod qoʻygani Amir Temurdir. Shoir mustabid tuzum hukm surgan davrlarda ham imkonini qilib uning nomini satrlarga kiritgan. Mustaqillik sharofati bilan esa sohibqironga bagʻishlab she’riy dramatik doston yaratdi. “Dunyo” toʻplamida ham buyuk ajdodimizni ulugʻlab she’rlar yozdi. U “Temur” she’rida yurt mustaqilligidan mamnunlik, shukronalik, faxrlanishini sodda satrlarda shunday bayon etadi:

Har qancha faxr etsang arziydi, oʻzbek,
Balqibsan bir zotning yuksak shonida.
Temurbek yulduzi Oltin Qoziqdek,
Charaqlar buyuklar kahkashonida...
...Ne baxtkim, tuqqan yurt boʻlganda ozod,
Muborak Vatanga qaytib kelmishsiz.
Quloq tutgaymi deb, noahil avlod,
Tashakkur, bizlarni koʻzga ilmishsiz[33].

Yurtning ozodligi unga tarixini qaytarib berdi. Turon zaminning toptalgan tarixi mustaqillik tufayli haqiqiy qiyofasini koʻrsatdi. Sohibqiron Amir Temur singari siymolar haqida rost soʻz aytish imkoni tugʻildi. Mustaqillik bu yurtga ajdodlar urf-udumlari, ezgu aqidalarini qaytadan tiriltirib berdi. Bu yurtning fuqarolari oʻz xohish irodasiga koʻra ish tutish, dunyo bilan behadik, bexavotir bogʻlanish, teng hamkor sifatida munosabat oʻrnatishga kirishdi.

Shoirning ‘Turkiston bolalariga” she’rida gʻururidan ajralib, or-nomusini unutib qoʻyganlarning Vatan mustaqilligi, istiqlol neligini bilmaydiganlar achchiq malomat qilingan. ”Mustaqilligimizning bir yilligi munosabati bilan” deya izoh berilgan mazkur she’r shunday boshlanadi:

Turkistonning bolalari, maqtovimga quloq tutmang,
Gina qilsam chidang, ammo, gaplarimni hech unutmang.

Shundan keyin shoir nadomatlarini bir-bir aytadi:

Hurlikni-yu saodatni muborakbod etdim, lekin,
Aytib qoʻyay, qulogʻingiz bitgan ekan sekin-sekin.
Nazaringiz tushar avval zebi-ziynat, dasturxonga,
Hanuz ta’zim qilmoqdasiz mol-dunyosi bor insonga.

Odamlarning narsa-buyumga sajda qilishi, tamagirlikka odatlanib ketgani taomil tusini olganini malomat qiladi.

E’tiqodsizlik, makr-hiyla urchib ketganidan odamlar oʻrtasida ishonch yoʻqolgan. Ishonch, bir-biriga oqibat boʻlmagan joyda razolat avj olishi haqida shoir “Ishonch ko`priklari” she’rida shunday degan edi:

Bunday yurtda endi qirgʻin shart emas,

[33] A. Oripov. Saylanma.”Sharq”nashriyot- matbaa konserni. Toshkent, 1996-yil, 12-13-bet

Vabo ham qochadi undan yiroqqa;
Hatto daryolari qurir basma-bas,
Hatto tuproqlari tushar titroqqa.

Daryolar qurib, tuproq zaharga aylanganiga sabab, demak, odamlar o'rtasidagi oqibatsizlikdir.

Mehr-oqibatli bo'lish uchun ko'ngil ma'rifat bilan nurlangan bo'lishi kerak. Ko'ngilda shu nur bo'lmasa, inson tubanlik botqog'iga botib ketadi. Shoir Turkiston bolalariga murojaat qilib:

O'tinch ila hasratimni nasihat deb yuzga solmang,
Xudo insof bergan kuni barmog`ingiz tishlab qolmang.
"Sharq hikmati" she'rida ana shunday kayfiyatdagi dimog'dorlarga qarata:
O'zbekning davlati qaror topgan chog',
Maymunjon terardi qaysi bir nasling.
O'z yurting sha'niga tushirmagin dog'
Axir odam erur sening ham nasling-
deyiladi.

Shoir Vatan haqidagi she'rlarida Vatanning mustaqilligini qanchalar mushtoqlik bilan kutganini ko'rsatadi.Uning "Vatan deb jo'sh urar ersa, Ko'targum boshima xasni" degan satr ham shundan guvohlik beradi:

Bobolar kechmishin hargiz faromush aylamang, do'stlar,
Haqiqat tongi otganda, ani tush aylamang do'stlar,
Agar kim e'tiqodsizdur, ani xush aylamang, do'stlar,

satrlari istiqlolga erishgan yurt ahvoliga e'tiborsiz, loqayd bo'lmaslikka chorlaydi. Chunki mustaqillik tush emas, ayni haqiqat ekanligiga ishonishga chaqiriq bor.

Abdulla Oripov she'riyati davrga nisbatan murosasiz, o'quvchini hushyorlikka, uyg'oqlikka chaqiruvchi bir da'vatday tuyuladi.

O'zbek adabiyotining yirik vakili, Ozbekiston xalq yozuvchisi Odil Yoqubov shunday deydi: "Abdullaning yoshligi, beixtiyor, menga Pushkinni eslatadi. Ulug' shoir kabi u ham xiyol shikasta, birov diliga ozor bergan, o'ksitilgan boladay ma'yus va o'ychan, she'riy nafasi esa g'oyat qudratli. Har bir satrida tizginsiz dard silqib turgan "Munojot"ni tinglab", "O'ylar", "Bahor", "O'zbekiston", "Yurtim shamoli" kabi she'rlari e'lon qilinganda va ularni qayta o'qiganda hayratga tushar edim... Uning she'riyati dutor navosiga o'xshaydi: birda cheksiz mung bilan dillarni larzaga keltirsa, birda sho'xchan tus oladi, mayin va o'ziga xos taronasi tag'in kishini maftun etadi".[34]

Abdulla Oripov she'rlarida istiqlolga, vatanga, xalqiga, tarixiy siymolarga nisbatan qo'llangan hamd-u sanolar maqolanvislik she'rlaridan tubdan farq qiladi. Ularda, avvalo, uyg'oq, bezovta ko'ngilning aks-sadosi, toza quvonchi, tamasiz sharaflashi sezilib turadi.

[34] A. Oripov. Munojot. Saylanma. G`afur G`ulom nomidagi Nashriyot –matbaa birlashmasi. T., 1992. 6-7-betlar

SCIENCECENTRUM.PL ISSUE 3(36) PART 3 ISBN 978-83-949403-4-8

ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Amir Temur o‘gitlari. – Toshkent: Navro‘z, 1992.
2. Qo‘shjonov M. Ijod saboqlari. - Toshkent: ”Yosh gvardiya” nashriyoti, 1973.
3. Xudoyberganov N. Haqiqat yog‘dulari. G‘afur G‘ulom nomidagi Adabiyot va san’at nashriyoti. T. - 1985
4. Xudoyberganov N. Badiiy tahlil sehri.- Toshkent: Adabiy-badiiy nashr – 2008.
5. Oripov A. Ishonch ko‘priklari. – Toshkent: Adabiyot va san’at nashriyoti, 1989.
6. Oripov A. Dunyo. – Toshkent: Adabiyot va san’at nashriyoti, 1995.
7. Oripov A. Saylanma.- Toshkent: ”Sharq” nashriyoti, 1996
8. Oripov A. Munojot. Saylanma. G`afur G`ulom nomidagi Nashriyot –matbaa birlashmasi. T., - 1992

Eshtayeva Dildora
Jizzax davlat politexnika instituti
Xorijiy tillar kafedrasi assisent o'qituvchisi
(Jizzax, Uzbekistan)

MATNNING PRAGMATIK XUSUSIYATLARI

Annotatsiya: *Mazkur maqolada ingliz va o`zbek tilida matnning pragmatik ma`no va husisusiyatlarini saqlab qolish hususida fikr va mulohazalar yuritiladi.*
Kalit so`zlar: *pragmatika, matn, hususiyat, adekvatlik.*

"Pragmatika" (pragma – ish, harakat) aslida falsafiy tushuncha bo' lib, u Sokratdan oldingi davrlarda ham qo' llanishda bo' lgan va keyinchalik uni J. Lokk E. Kant kabi faylasuflar Aristoteldan o'zlashtirganlar. Shu tariqa falsafada pragmatizm oqimi yuzaga kelgan. Bu oqimning asosiy taraqqiyot davri XIX- XX asrlardir. Ayniqsa, XX asrning 20 - 30- yillarida pragmatizm g'oyalarining keng targ'ibi aniq sezila boshladi. Amerika va Yevropada bu targ'botning keng yoyilishida Ch. Pirs, R. Karnap, Ch. Morris, L. Vitgenshteyn kabilarning xizmatlar ini a lohida qayd etmoq kerak.

XIX asrning oxiri XX asr boshlarida Amerikada hukmron bo'lgan falsafiy pragmatizm yo'nalishining asoschilaridan biri Charlz Pirs edi. Ushbu falsafiy tizimning asosiy g'oyasi semiotik belgining ma'no - mazmunini ushbu belgi vositasida bajar ilayotgan harakatning samarasi, natijalari, muvaffaqqiyati bilan bog'liq holda o'rganishdir. Bu tamoyil muallifi Ch. Pirs bir inchilardan bo' lib, belgi nazariyasi doirasida kommunikativ faoliyat subyekti omilini inobatga olish lozimligini uqtirdi.

Pragmalingvistika tilshunoslikning mustaqil yo'nalishi sifatida o'tgan asrning 60- 70 - yillarida shakllandi. 1970 - yilda Dordrext shahrida "Tabiiy tillar pragmatikasi"(Pragmatics of natural languages) mavzusida xalqaro konferensiya bo'lib o'tdi. Ushbu anjumanda o'qilgan ma'ruzalar to'plamining muharriri, Tell- Aviv unversitetining professori I. Bar – Hillelning "So' z boshi" da qayd qilishicha, anjuman isht irokchilari yakdillik bilan "Tabiiy til vositasida bajariladigan muloqotning pragmatik xususiyatlari ushbu muloqotning sintaktik va semantik xususiyatlari kabi lingvistik nazariyasi doirasida o'rganilishi lozim" degan xulosaga kelishdi (ilel 1971: V- VI).

Pragmatikaning "Qayta t uzilish davri" deb e 'tirof etilgan xuddi shu paytdan boshlab, xorijiy tilshunoslikda haqiqiy pragmatik ko'tarilish yuzaga keldi. Bu mavzuga oid qator anjumanlar, yig'i lishlar o'tkazildi, chop qilinayotgan to'plamlar, ilmiy tadqiqotlarning chegarasi yo'q, Gournal of Pragmatics tom ma' noda xalqaro nashrga aylandi.

Pragmalingvistikaning predmetini aniqlashga ilk bor ahd qilganlardan bir i G. Klaus edi. U pragmatikani "belgilar va ushbu lisoniy belgilarni yaratuvchi, uzatuvchi hamda qabul qiluvchi shaxslar o'rtasidagi munosabatlarni o'rganuvchi" fan sifatida ta'riflaydi. Ushbu ta'r ifdan ko'r inib turibdiki, pragmatikaning predmetini aniqlashda G. Klaus ham boshqa semiotiklar kabi belgi va uni idrok etuvchi interpretator munosabatidan uzoqlashmaydi, hatto uning "pragmatika dastlabki o'rinda lisoniy belgilarning psixologik va sotsiologik tomonlarini o'rganuvchi nazariyadir" degan xulosasi ham pragmatika tushunchasini tor ma'noda tavsiflashdan boshqa narsa emas.

J. Layonz t ilshunoslarining 12 - xalqaro konferensiyasida (Vena, 1977) pragmalingvistikaning predmetini aniqlash va uning ta'rifini berishga harakat qildi:" Pragmatika tinglovchini uzatilayotgan axborotni xuddi so'zlovchi istaganidek qabul qilishga undash maqsadi uchun mos keladigan lisoniy birliklarning kommunikatsiyada qo'llanishini tavsiflaydi. Bu pragmatika lisoniy vositalarning shaxslararo muloqatdagi rolini aniqlash bilan shugullanadi, deyish demakdir" (Proceedings 1978: 26). Ushbu ta'rifning asosida lisoniy harakatdagi ko'zlanayotgan maqsad va unga erishish vositasi o'rtasidagi munosabat turibd i.

"Sabab – motiv – maqsad" zanjiri nutqiy faoliyat rejasini shakllantiradi va uning voqelanishini ta' minlaydi. Xuddi shu narsa A. Kasherni pragmalingvistik tahlilning asosiy maqsadini "qo'yilgan maqsadga er ishishda lisoniy vositalardan foydalanishni ta'minlovchi insonga xos bo'lgan qobiliyat qoidalarini" yoritish va tushuntirish deb tasvirlashga undaydi. (Kasher 1979: 38)

Pragmalingvistikani tilshunoslikning mustaqil sohasi sifatida ajratish va uning o' zgarish ob'ekti, predmetini aniqlash uchun lisoniy birlik lardan turli kommunikativ muhitda pragmatik qiymati, "bahosi", mundarijasining namoyon bo'lishini taminlovchi omillarni izlamoq darkor. Lisoniy birliklardan har qanday sharoitda namoyon bo' ladigan belgilari ularning ontologik vazifaviy (funksional) xususiyatlari na ' munasidir.

Shunday qilib, pragmatikaning umumiy ta'rifini quyidagicha tasavvur qilish mumkin: pragmatika tilshunoslikning alohida sohasi bo'lib uning tadqiqot doirasida muloqot jarayonida lisoniy birlik larni tanlab olish, ularni qo'llash hamda ushbu qo'llanishdagi bir liklarning muloqot isht irokchilariga ta' siri masalalari o'rganiladi. Ushbu qoidalar kommunikatsiya shart - sharoitlariga nisbatan, keng ma' nodagi kontekst sifat ida o'rganiladi. Lisoniy hodisalarning bu yo' sindagi t ahlili ularning qo' llanishidagi u yo ki bu muhitda mavjud bo' lgan to' siqlar, chegara lanishlarni ham aniqlashga imkon beradi. Lingvistik tahlilning asosiy g'oyasi ham lisonning tabiatini uning amaliy faoliyatda qo'llanishiga nisbatan yoki boshqacha aytganda, bajarayotgan vazifasi doirasida aniqlashdir. Aynan vazifa (funksiya) tushunchasi lison tahliliga pragmalingvistik yondashuvning poydevoridir. Aminmizki, pragmalingvistikaning xuddi shu yo'nalishdagi taraqqiyoti nazariy tilshunoslik va amaliy kommunikatsiya o'rtasida mavjud bo' lib turgan "uzilish" larni bir oz toraytiradi.

Pragmalingvistika tadqiqot predmetining keng miqyosda tasavvur etilishi ushbu sohaning turli yo'nalishlarda taraqqiy etishini taqozo etadi. Natijada, pragmalingvistikaning nutqiy akt nazariyasi, deyksis nazariyasi, diskurs nazariyasi, pragmasemantika, pragmastilistika kabi o'z "ichki" sohalari yuzaga keldi. Bu sohalarning farqi, birinchi navbatda, pragmalingvistikaning umumiy predmetini alohida qismlarga ajratish va har bir qismning batafsil yoritilishi, o'rganilishida namoyon bo' ladi.

Avvalo shuni ta'kidlash lozimki, matn tushunchasini material jihatdan tayin etish va ta'riflashda mutaxassislar o'rtasida yagona fikr yo'q, aksincha, bir-biriga qarama- arshi bo'lgan ikki xil qarash mavjud. Ayrim tilshunoslar faqat yozma shakldagi yaxlit nutq yoki nutq parchasini matn deb hisoblaydilar. Masalan, rus tilshunosi L. M. Loseva "matn" tushunchasi aniqlashda barcha matnlar uchun xos bo'l gan belgilardan kelib chiqish lozimligini aytadi va bu belgilarning birinchisi s ifat ida uning yozma shaklda bo'lishini alohida qayd etadi. Matnni lingvistik tadqiqot ob'ekti sifat ida rus tilshunosligida ilk o'laroq batafsil o' rganganlardan bir i I. R. Gal' perin " mat nning ontologik va funksional belgilarini namoyon etadigan yetakchi jihatlar" dan biri sifatida " yozma xujjat tarzida reallashadigan tugallanganlik" ni alohida ta'kidlab ko'rsatadi. Uningcha, matn yozuvda qayd etilgan nutqiy asardir. Ammo matnning yozma yoki og' zakiligi uning ontologiyasi va funksiyasiga nechog' lik bog' liq yoki bog' liq emasligini muallif tomonidan aniq - t iniq ko'rsatib berilmagan. Matnning mohiyati va kommunikatsiya jarayonida baradigan vazifani faqat yozuv bilan chegaralanadigan bo'lsa, bu yirik kommunikativ birlikning tildagi o'rni qanday belgilanishi haqidagi masala ochiq qolgan.

O'zbek tilshunosligidagi bu yo'nalishdagi ishlarga e'tibor qilinsa, ularda ham yuqoridagiga o'xshash mulohazalar yo'q emas. Masalan, M. Hakimovning nomzodlik dissertatsiyasida mana bunday fikrlarni o'qish mumkin: " Nutq-bu so'zlovchining nutqiy jarayoni bilan alaqador bo'lgan hodisa sifatida ifoda etilsa, matn (tekst) ham mana shu nutqiy hodisaning yozilgan ("bosma harf orqali aks etgan") parchasidir...."Nutq" o'zining yozma shaklida " matn" atamasiga teng keladi.... Har qanday nutqning yozma shakli matn tushunchasi mohiyatini ifoda etadi.... Tekst – og'zaki nutq, kontekstga nisbatan stabillashgan, ma'lum qoida, qonuniyatlar adabiy til me'yorlari asosida shakllangan yozma nutq.... Matn bir vaqtning o'zida emas, balki bir necha asr avvalgi va keyingi shaxslar o'rtasidagi aloqa muno sabatini yuzaga

chiqaruvchi vositada.Avvalo, aytish joizki,[10] kishilar o'rtasidagi aloqa kommunikatsiya matnlar vositasida amalga oshar ekan, matnni faqat yozma shakl bilan chegaralash shakllanib ulgurgan mavjud matn nazariyasi qoidalariga zid bo'lishi turgan gap. Axir, kishilar o'rtasidagi har qanday kommunikatsiya faqat va faqat yozma shaklda amalga oshishini t asavvur et ib bo' lmaydi.

Sintaksisning asosiy birligini gap ekanligi hamisha e'tirof et ilgan, matn yoki uning birliklar i gapdan yir ik, oliy s intaktik - kommunikativ birliklar hisoblanishi lozimligi bugungi matn lingvistikasining asosiy qoidalaridan biriga aylanib ulgurdi. Shunday ekan, faqat yozuvda aks etgan gapnigina gap deb, og'zaki nutqdagi gapni gap bo' lo lmaydi deyish to"r i bo'lmasligini isbotlab o'tirishning hojati yo'q, albatta. Agar faqat yozuvda ifodalangan yaxlit nutqnigina matn deyiladigan bo' lsa, mantiq gapni ham faqat yozuvdagisinigina tan olish kerakligini taqozo etadi. Ammo buning mumkin emasligi tabiiy.

Og'zaki nutqning bir yo'nalishliligi yozma, (harflar yoki magnit tasmasida) nutq (matn) ning ko'p yo'nalishliligi, og'zaki nutqning "qaytishsizligi", yozma nutqning esa "qaytishligi", ya' ni uning ist algan bo'lagiga har qachon qaytish mumkinligi haqidagi da' vo- alil ham asosli emas. Chunki bu "qaytish" tushunchasi faqat vizual- amaliy mohiyatga ega, nutqiy asar (matn) ning mohiyatiga aslo dahldor emas. Agar faqat yozma nutqdagina oldingi qismlarga qaytish mumkin-u og'zaki nutqiy yaxlitlikda uning olding iqismlariga qaytishning imkoni bo'lmasaydi, unda hech qanday og'zaki nutqni tushunish, demakki, og'zaki nutqiy kommunikatsiya mutlaqo mumkin bo'lmasdi. Chunki so'zlovchi muayyan yaxlit bir fikr, mavzuni og'zaki bayon qilar ekan, ayni bayon jarayonining har bir onida uning o'zi ham, xuddi shuningdek, tinglovchi ham mazkur nutqning oldingiistalgan parchasiga qayta oladi, balki oldingi qis mlar ularning xotirasida turadi. Agar shunday bo'lmasa, ya'ni nutq butunligicha ham so'zlovchining, ham tinglovchining xotirasida turmasa, nutqnit uzish ham, uni mazmunini anglash ham imkonsiz bo' ladi. Tabiiyki, so' zlovchi ayni talaffuz jarayonidagina o'z nutqiga hokim bo'lsa, tinglovchi nutqning ayni eshitib turgan onidagi parchasinigina tushunsa, nutqning oldingi qismlari ularning har ikkisining ham “esidan chiqib qolaversa”, ular bir - bir lar ini tushunish imoniyatidan tamomila mahrum bo’lib qolaveradi. To’g’ r i, og’ zaki nutqning esa zamon nuqtai nazaridan chegaralanmaganligini hech kim inkor etmaydi, ammo bu og’zaki nutqni eslash, xotirada saqlash, umuman, uni yoki uning muayyan parchalar ini tik lash ilojs iz degani emas.

Dunyoda biron- bir, kattadir- kichikdir, xalq yoki qavm yo’qki, uning necha asrlardan beri og’zaki shaklda avloddan - avlodga o’tib yashab kelayotgan rang - barang so’ z san’ at i durdonalari bo’ lmasin. Masalan, bir qo’ shiq yoki ertakni faqat qog’ozga yoki magnit tasmasiga (yoki multimedia shakliga) tushirilganda matn, ammo og’ zaki shaklida matn bo’la olmaydi deyish matn tushunchasini til doirasidan tashqariga chiqarib yuborishi tayin. Og’ zaki nutqiy asarni muayyan vositalar (yozuv, magnit t asmasi, multimedia kabi) yordamida qayd etish axborotning zamon va makonda saqlanishini ta’ minlash imkoniyatlaridir, lekin, garchi yozma nutq muayyan tayyorgarlik bilan amalga oshiriladi, shuning uchun u ravon va ishlangan nutq deyilsa - da, buning til birliklarining tabiatiga bevosita jiddiy o’ zgartirish kiritadigan ta’siri to’ g’risida gapirib bo’ lmaydi.

Hulosa o`rnida shuni aytish mumkinki Pragmatika yo'nalishida olib borilgan tadqiqotlardan shu xulosaga kelish mumkinki, pragmatika tilshunoslikning alohida sohasi bo'lib, uning tadqiqot doirasida muloqot jarayonida lisoniy birliklarni tanlab olish, ularni qo'llash hamda ushbu qo'llanishdagi birliklarning muloqot ishtirokchilariga ta'siri masalasi o'rganiladi. Ushbu qoidalar kommunikatsiya shart- sharoitlariga nisbatan keng ma'nodagi kontekst sifatida o'rganiladi. Lisoniy hodisalarning bu yo'sindagi tahlili ularning qo'llanishidagi u yoki bu muhitda mavjud bo'lgan to'siqlar, chegaralanishlarni ham aniqlashga imkon beradi. Lingvistik tahlilning asosiy g'oyasi ham lisonning tabiatini uning amaliy faoliyatda qo'llanishiga nisbatan yoki boshqacha aytganda, bajarayotgan vazifasi doirasida aniqlashdir. Har qanday nutqning yozma shakli matn tushunchasini bildirar ekan, har qanday matnda lisoniy birliklarni muloqot jarayonida to'g'ri, o'rinli qo'llash va ushbu qo'llanilgan lisoniy birliklar muloqot ishtirokchilariga ta'sir etishi matnning pragmatik xususiyatlarini ko'rsatadi. Shu jihatdan matn tahlilida pragmatikaning o'rni beqiyosdir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Shahriyor Safarov. Pragmalingvistika. Toshkent, 2008.
2. Marufjon Yo'ldoshev. Badiiy matn lingvopoetikasi. Toshkent, 2008.
3. Mamajonov A. Abdupattoev M. Matn sintaksisi. Farg'ona, 2002.
4. Hakimov M. K. O'zbek tilida vaqt ma'noli lug'aviy birliklar va ularning matn shakllantirish imkoniyatlari. Farg'ona, 2004.
5. Qo'ng'urov R. Begmatov E. Tojiyev Y. Nutq madaniyati uslubiyat asoslari. Toshkent, 1992.
6. Nurmonov A. Mahmudov N. Ahmedova A. So'lixojayeva S. O'zbek tilining mazmuniy sintaksisi. Toshkent, 1992.
7. Nurmonov A. Hakimov M. Lingvistik pragmatikaning nazariy shakllanishi. O'zbek tili va adabiyoti. 2001.
8. Abduraxmonov X. Mahmudov N. So'z estetikasi. Toshkent, 1981.
9. O'rinboyev B. Qo'ng'urov R. Lapasov J. Badiiy matnning lingvistik tahlili. Toshkent, 1990.
10. Lapasov J. Badiiy matn va lisoniy tahlil. Toshkent, 1995.

SCIENCECENTRUM.PL ISSUE 3(36) PART 3 ISBN 978-83-949403-4-8

Ismatova Yulduz Nu'mon qizi
Samarqand davlat chet tillar instituti
Tarjima nazariyasi va amaliyoti kafedrasi o'qituvchisi
(Samarqand, Uzbekistan)

BADIIY ASARLARDA HADISLARNING QO'LLANISLISHI VA ULARNING TARJIMADA SEMANTIK TAHLILI

Annotatsiya. *Maqola kirishida hadislarga ta'rif berilgan, hadislarning adabiyotga kirib kelishi va uning adabiyotga ta'siri haqida nazariy fikrlar keltirilgan. Shuningdek, maqolaning tahliliy qismida Alisher Navoiy asarlariga murojaat qilingan. Alisher Navoiy g'azallari tahlili hamda ularning semantik ma'nolari, ingliz tilida berilishi ishning amaliy qismi sifatida ko'rib chiqilgan.*

Kalit so'zlar: *hadis, Qur'on, oyatlar, lingvistik stilistika, semantik ma'no, talmih, Ravzai rizvon, mumtoz she'riyat.*

«Hadis» arabcha so'z bo'lib, uning turli xil ma'nolari mavjud: bir ma'nosi – yangi, yangi narsa, yangi ro'y bergan voqea bo'lsa, ikkinchi ma'nosi – so'z, hikoya, naql, rivoyat, izohlab aytadigan bo'lsak, hadis deganda Muhammad payg'ambar yoki uning sahobalari haqida hikoya qiluvchi xabar yoki rivoyatni tushunamiz.

Islom dini ta'limoti bo'yicha eng asosiy manba Qur'ondir. Hadislar ana shu muqaddas asardan keyingi o'rinda turuvchi mo'tabar manba hisoblandi. Bir so'z bilan aytganda hadislar Muhammad payg'ambar hayoti va faoliyati, shuningdek, uning turli sharoitlarda diniy, falsafiy, axloqiy-ta'limiy mavzularda aytgan xilma-xil fikrlari, ko'rsatmalari yoki munosabatlarini aks ettiradi.

Hadislarning yuzaga kelishini uch omil bilan ko'rsatiladi:

1. Muhammad payg'ambar aytgan gaplar.
2. Uning o'zi qilib ko'rsatgan ishlar.
3. Payg'ambarimiz tomonidan ko'rilgan yoki kuzatilgan ishning taqiqlanmagani [https://hozir.org/reja-adabiyot-soz-sanati.html?page=7].

Hadislarni to'plab, ularning haqiqiylarini aniqlash bilan shug'ullangan olimlar dunyo bo'yicha ko'plab topiladi. Imom Buxoriy, Muslim ibn Hajjoj, Imom Termiziy, Abu Dovud, Sulaymon Sijistoniy (817-888), Ibn Mojja (834-886), Dorimiy, Bayhaqiy, Tabaroniy, Ibn Hibbon, Xatib, Hokim, Abu A'lo, Daylamiy, Doriqutniy, Jamoliddin Suyutiy kabi muhaddislarning nomi mashhur. Lekin muhaddislar orasida olti kishining dovrug'i olamni tutgan. Ulardan beshtasi o'rta osiyolik: Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy (hijriy 194-256, milodiy 810-870), Abu Iso Muhammad ibn Iso at-Termiziy (824—892), Abu Muhammad Abdulloh Muhammad ibn Yazid ibn Mojja (824—888) shular jumlasidandir.

Islomgacha bo'lgan Arabistonda adabiy an'ana asosan qabilalar hayot tarziga bog'langan edi. Birinchi avlod Payg'ambar hayoti davomida ham, undan keyingi birinchi chorak asrda ham o'zlarining islomiy tajribalariga ega bo'lgunga qadar o'zlarining hayot tarzlarini shu xronikalarda aks ettirib kelishgan. Unda shuningdek, qo'shiq va dostonlarda ma'lum bo'lgan qabila xronikasi namunalari mavjud edi. Islomgacha she'riyat har bir qabila va ularning jangchilarining ulug'vorligini aks ettirgan. Bunday she'rlar har bir qabilaning ajdodlari sharafiga o'qilgan. Asl Islomning kuch-qudrati bu holatlarni o'z qamroviga oldi va ularni musulmon ilmiga cho'mdirdi. Payg'ambar Muhammadning mag'rur tarixi tabiiy ravishda, avval xronika, so'ngra tarix yozish uchun qizg'in mavzu bo'lgan.

Payg'ambarimiz vafot etgan birinchi asrda urf-odatlar huquq va jamiyat shaklining rivojlanishida asosiy omil bo'lib qoldi. Hadis bilan Payg'ambar Muhammadning ismi va o'rnagi bilan birlashish borgan sari hokimiyat asosiga aylandi. 2-asr ushbu munosabatlarni yanada takomillashtirishga, uning jarayonlarida rasmiyatchilikni kuchaytirdi. Urf-odatlarni mutaxassisi "ilm-fan" qo'llab-quvvatlashi kerak edi, ular Muhammad "shaxslari" bilan ularning "sheriklari" orqali bog'lanishining qat'iy rasmiy mezonlarini uzluksiz "reportajlar" ketma-ketlik yo'li bilan qondira olishdi.

Albatta buning ta'siri O'rta Osiyoga ham kirib keldi. Shu davr adabiyotida ko'rish mumkinki, badiiy adabiyotda hadislardan foydalanish yuqori cho'qqisiga yetgan. Insonlarni tarbiyalash, komillikka yetaklash uchun dindan foydalanish eng muqobil yo'l hisoblangan.

Mumtoz adabiyot namoyondasi Alisher Navoiy asarlariga murojaat qiladigan bo'lsak, Umuman, Navoiyning falsafiy qarashlari uning barcha devonlarida o'z aksini topgan. Shoir falsafiy qarashlaridagi sifat o'zgarishlar va yangilanishlar – shaxs ichki dunyosining dinamikasi, ijtimoiy-siyosiy, madaniy jarayonlar ta'sirida o'sib boradi.

Bu holatni izchil tahlil etish esa, tabiiyki, devonlarning muqaddima qismlarini atroflicha o'rganishni, adabiy kanon doirasida e'lon qilingan shoir falsafasining asos mag'zini belgilab olishni taqozo etadi. Adabiy kanon – mavjud qonun-qoidalarning eng avvali hamd-na'tlar, ma'lumki, Sharq mumtoz adabiyotida daxlsiz va majburiy hisoblanadi. Ularda Qur'oni karimdan olingan iqtiboslarning ishlatilishi ham – daxlsizlik va majburiylikdan kelib chiqadi. Bu kabi iqtiboslar bugunda quyidagicha tasnifga ega:

Qur'ondagi qissalar talmehi.

1. Qur'ondagi suralar ismi talmehi.

2. Qur'ondagi oyatlar tazmini [Muhammadiyev Ahadxon, 2020].

Chunki insonni bu gavhar birla aylab bahramand,

Sarfaroz[35] aylab maloyik xayli birla jon aro. [A. Navoiy, 1990: 8.]

Ta'kidlaganimizdek, Olloh inson qalbiga ishq gavharini, imonni jo etgani uchun ham uni (insonni) maloyik xayli (guruhi, to'dasi), qatorida, (balki undan ham balandroq maqom bilan) sarfaroz etdi, ulug'ladi [Muhammadiyev Ahadxon, 2020]. Shu o'rinda shuni aytib o'tish kerakki, Alisher Navoiy nafaqat betakror g'azallar va asarlar yaratgan, balki u buyuk alloma ham bo'lgan. U o'z ijodida turli xil yondashuvlar olib brogan. Ushbu jumlalalarda ko'rish mumkin, buyuk shoir baytda hadislarga ishora qiladi, ularning izohini joylaydi.

Allamal insong'a chun aylab musharraf yer berib,

Taxti johu ishrat uzra ravzai rizvon aro. [A. Navoiy, 1990: 8.]

Bayt avvalida Qur'oni karimdagi alaq surasining 5-oyatiga ishora bor. Oyat ma'nosi quyidagicha: "U insonga bilmagan narsasini bildirdi" [Shayx Abdulaziz Mansur, 2016: 597.]. Oyat ma'nosining to'g'ridan to'g'ri tarjimasi ingliz tilida "He made known to man what he knew not". Baytning mazmuni esa quyidagicha: Olloh allamal insonni – bilmagan narsasi o'rgatilgan

[35] Ulug', baxtiyor, hurmatlangan…

zotni, ya’ni Odamni sharaflab, unga jannat bog‘i (rizvon) uzra johu ishrat (buyuklik va dilxushlik) taxtidan joy berdi. Ushbu baytni she’riy tarjima orqali emas balki proza yo‘li tarjimada berishni ma’qul deb bildik: Allah honored the man who had been taught what he did not know, God placed him on the “Ravzai rizvon” (grandeur and pleasure place “Paradise).

Ushbu misradagi “Ravzai rizvon” so‘zini stilistik jihatdan tahlil qiladigan bo‘lsak, o‘zbek tilida misrada keltirilgan ushbu san’at “talmih” deya yuritiladi. Talmih (arab. – ishora qilish, biror narsa tomonga yengil nazar tashlash) – mumtoz she’riyatda keng qo‘llangan badiiy san’atlardan biri. Bunda shoir mashhur bir qissa, voqea yoki asarga ishora qilish orqali o‘z fikrini muxtasar hikoya qiladi [https://uz.wikipedia.org/wiki/Talmih].

Ingliz tili lingvistik stilistikasida esa huddi shu yo‘nalish “allusion” (badiiy kinoya) deb nomlanadi. Umumiy qilib aytadigan bo‘lsak, kontekstdagi narsa yoki holat yashirin tarzda yoki bilvosita atalishi talmih (allusion)dir.

Buyla chun rad aylagandin so‘ng yana aylab qabul,
Voli aylab olam otlig‘ kulbai ahzon aro. [A. Navoiy, 1990: 9.]

Ushbu baytda keltirilishicha, Alloh odamzotni jannatdan chiqargandan so’ng, uning tavbasini qabul qilgan va olam deb atalmish “kulbai ahzon”ga yuborgan. “Kulbai ahzon” birikmasining lug’aviy mano’si g’am kulbasi bo’lib, bunda dunyo nazarga tutilmoqda. Ma’lumki jannatda g’am – tashvish bo’lmaydi, dunyo esa g’am alamdan iboratdir. Bu haqda Qur’onda shunday deyiladi:

Mazmuni: Bas, Odam Robbidan (tavbaga doir) kalimalarni qabul qilganidan so‘ng (Alloh) uning tavbasini ijobat etdi. Albatta, U Tavvob (tavbani qabul qiluvchi) va Rahim (rahimli)dir [Shayx Abdulaziz Mansur, 2016: 6.].

Ingliz tilidagi tarjimasida Tavvot hamda Rahim atamalari saqlanib qoladi. So, Adam accepted his repentance after receiving the words from his Lord. Verily, He is the Tavvot (the Acceptor of Repentance, a name of Allah), Rahim (merciful, a name of Allah).

Odam Robbidan (tavbaga doir) kalimalarni qabul qilganidan so‘ng” jumlasini qanday tushinish kerak? Bu borada mashhur mufassir ibni Kasir o‘z kitoblarida A’rof surasining 23-oyatini tafsir sifatida keltiradilar. Ya’ni, Ikkisi aytdilar: “Ey Robbimiz! biz o‘zimizga (o‘zimiz) zulm qildik. Agar bizni kechirmasang va birga rahm qilmasang, biz, albatta, ziyon ko‘ruvchilardan bo‘lib qolurmiz”. (Alloh) dedi: “Biringiz-biringizga (zurriyotlaringiz o‘zaro) nisbatan dushman bo‘lgan holingizda (jannatdan) tushingiz! Sizlar uchun (ma’lum) vaqt (ajalingiz yetguncha) yerda qaror topish va foydalanish (bordir)” [Shayx Abdulaziz Mansur, 2016: 6.].

Xulosa qiladigan bo’lsak, Alisher Navoiy ijodiga nazar tashlaydigan bo’lsak, uning g‘azallarida inson haqidagi tushunchalar islomiy aqidalar negizida shakllangan.

Yuqoridagi tahlillar shuni ko‘rsatadiki, Navoiyning mazkur hamd g‘azali mazmun mundarijasiga ko‘ra Qur’oni karimdagi “Baqara” surasining 30-oyatidan, toki 38-oyatigacha qamrab olgan. Boshqacha aytganda, mazkur oyatlarning she’riy sharhidan iboratdir. Navoiyning ma’rifiy mavzudagi g’azallarida islomiy aqidalarga kat’iy amal qilingani holda inson ta’riflanar ekan, uning iymonli bo‘lishi, o‘zini, o‘z Robbisini anglashi zarurligi haqida ta’kidlanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Alisher Navoiy. Mukammal asarlar to‘plami. XX tomlik, XIV tom – “Mahbub ul-qulub”, Toshkent: Fan – 1998-y.
2. Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. 10 jildlik: 6-jild. – Toshkent: G‘.G‘ulom, 2011-y.
3. Muhammadiyev A. Manba, matn va tahlil. O‘quv uslubiy qo‘llanma. – Samarqand. SamDCHTI nashri, 2019, 128 b.
4. Muhammadiyev Ahadxon Mahmudovich. Navoi’s praising ghazals: analysis and interpretation. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 6, 2020. ISSN 2056-5852
5. Shayx Abdulaziz Mansur. Qur’oni Karim. “Toshkent islom universiteti” nashriyot-matbaa birlashmasi. 2014.624. ISBN: 978-9943-390-47-8

INTERNET MANBAALARI:

6. https://hozir.org/reja-adabiyot-soz-sanati.html?page=7
7. https://uz.wikipedia.org/wiki/Talmih

SCIENCECENTRUM.PL ISSUE 3(36) PART 3 ISBN 978-83-949403-4-8

Kambarova Dilnoza Musakulovna
Uzbekistan State World Languages University
(Tashkent, Uzbekistan)

THE IMPORTANCE OF MODERN TECHNOLOGY IN ENGLISH LESSONS

Annotation: *This article describes the great importance given to foreign languages in our country and the innovative technologies needed to study them, to improve skills in working with them, the methodology of teaching foreign languages, which is becoming a requirement of the time.*
Keywords: *Foreign languages, information and communication technologies, listening comprehension, efficiency, methodical games.*

